201 A — Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ● info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 40 (1261) ● 2019-yil 3-oktabr, payshanba




### ПАРТИЯ ТАШАББУСИ

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларидаги янгиланишлар ҳар бир ишимизда, олдимизга қўйган мақсадларимизда ўз аксини топиб, фаолиятимизга янгича ёндашувларни талаб этмоқда.

Жорий йилнинг декабрь ойида бўлажак сайловларга тайёргарлик жараёнларида сиёсий тарғиботнинг таъсирчан ва янгича усулларидан унумли фойдаланиш зарурлигини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг мазкур сайловларда иштирок этиш масалаларига бағишланган пленумида ҳам бу борада муҳим вазифалар белгиланди.

Айни кунларда республикамиз ҳудудларида партия ташкилотлари ташаббуси билан долзарб мавзуларда, халқ манфаати, аҳоли талаб-истакларини ўзида мужассам этган шиорлар асосида митинг, акция ва сайиллар ташкил этилмоқда.

4

# Адолат — ҳар бир инсон учун!

## Ҳудудларда митинг ва акциялар ўтказилмоқда

## «Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак»

### МУНОСАБАТ

## Ўқитувчилик — улуғ масъулият!


Фарғона шаҳридаги вилоят 4-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатининг география фани ўқитувчиси Дилфуза Избаева.

ЎзА фотоси.

Юртимизда эришилаётган ҳар бир муваффақиятимиз, илм-маърифат, спорт, иқтисод, қишлоқ хўжалиги, қўйингки, барча-барча соҳаларнинг ривожланиши ўқитувчи ва мураббийларнинг тажрибаси, фидойилиги билан боғлиқ десак, муболаға бўлмайди.

Мурғак қалбларга оламни англатгувчи ҳам, уларни илм дунёсига бошловчи ҳам, билим пиллапояларидан етаклаб, дилларига зиё нурларини таратгувчи ҳам шу улуғ касб эгасидир.

5

## Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокама этилмоқда

### ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

27 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари давлат ва жамият қурилишининг муҳим соҳалари ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига қаратилган қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқишди.

Йиғилишда дастлаб янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Депутатлар томонидан таъкидлаб ўтилганидек, лойиҳани қабул қилиш орқали Ҳукуматнинг инвестиция, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, экология, ташқи сиёсий фаолият, ахборот технологиялари, мудофаа ва хавфсизлик соҳаларидаги ваколатлари аниқ белгиланади. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг ўзига бириктирилган аниқ соҳа ва тармоқлар учун жавобгарлиги ҳамда уларни баҳолаш мезонлари тартибга солинмоқда.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда фракция аъзоларининг лойиҳани маромига етказиш ва тўғридан-тўғри ишлашини таъминлашга қаратилган қатор таклифлари инобатга олинганлиги алоҳида айтиб ўтилди. Ушбу таклифлар мамлакатда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлардан келиб чиққан ҳолда ҳамда Ҳукумат фаолиятининг ўзига хос жиҳатларидан шакллантирилди.

Хусусан, фракциямиз ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси инвестициялар ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириши, умумий ваколатлари доирасида стратегик жиҳатдан режалаштиришнинг замонавий шакллари давлат бошқаруви тизимига жорий этилишини таъминлаши каби нормалар лойиҳада ўз аксини топди.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар Ҳукуматнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасига ҳамда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунга мувофиқ таъминланиши зарурлиги каби принциплар ҳам лойиҳага киритилди.

2

### ДАВРА СУҲБАТИ

## Тиббиёт ходимларини тажовуздан ҳимоялаш

### БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ЕТАРЛИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг ташаббуси билан "Тиббиёт ходимларининг касбий фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда парламент қуйи палатаси депутатлари, "Адолат" СДП фаоллари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари, Тошкент шаҳридаги бир қатор тиббиёт муассасаларининг шифокор ва ҳамширалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

2

### ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИ

## Суд жараёнида прокурор ва адвокат ваколати тенглиги

### НЕГА ТАЪМИНЛАНМАЯПТИ?

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг янги Сайловолди дастури лойиҳасида суд-ҳуқуқ соҳасига доир вазифалар муҳокамасига бағишланган "Суд-ҳуқуқ тизими — партия Сайловолди дастуридаги устувор йўналиш" мавзусида экспертлар, фаоллар билан учрашув ўтказилди. Тадбир партиянинг ушбу йўналишдаги доимий ҳамкорлари — Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Адвокатлар палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

2

# Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокама этилмоқда

Давоми. Бошланиши 1-бетда




Партия депутатлари томонидан таъкидланганидек, қонун лойиҳасида ўз аксини топган Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи сифатидаги ҳуқуқий мақоми ва ҳудудларни ривожлантириш соҳасидаги ваколатларини белгилаш, Раёсат мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар, Ҳукумат фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тартиби ҳамда бошқа қатор нормаларни маромига етказишда ҳам фракция аъзоларининг кўплаб таклифлари инобатга олинган.

Шунингдек, лойиҳада белгиланган нормаларнинг тизимлилигини таъминлаш мақсадида маълум моддалар қонуности нормаларсиз тўғридан-тўғри ишлаши таъминланди.

Фракция йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тартиб-таомилларини либераллаштириш, болаларнинг фуқаролик соҳасидаги ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва фуқаролик масалалари бўйича турли низоларнинг олдини олишга қаратилган янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 33 миллиондан ортиқ фуқаро, шунингдек, 95 857 нафар фуқаролиги бўлмаган шахс ҳамда 14 365 нафар чет эл фуқароси доимий истиқомат қилади. Ўтган давр мобайнида жами 8 249 нафар фуқаролиги бўлмаган шахс мамлакатимиз фуқаролигига қабул қилинган.

Депутатлар томонидан эътироф этилганидек, амалдаги "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонун 27 йил аввал қабул қилинган бўлиб, маънан эскирган ҳамда бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар талабларига жавоб бермайди. Шу мақсадда ушбу қонунни янги таҳрирда қабул қилиш орқали мавжуд муаммо ва камчиликлар бартараф этилади ҳамда мазкур соҳадаги мавжуд қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар ижобий ечимини топади.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасида "яшаш гувоҳномаси", "текширув варақаси", "хорижий давлат фуқароси", "фуқаролиги бўлмаган шахс" ва бошқа шу каби асосий тушунчаларга шарҳ берилмоқда ва ягона фуқаролик, тенг ҳуқуқлилик, фуқаросизликни қисқартириш ва очиқлик каби принциплар мустаҳкамланмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилишнинг турлари аниқ белгилаб қўйилмоқда. Айниқса, туғилган жойи ва ота-онасининг фуқаролиги бўйича хорижий давлат фуқароси ҳисобланган болаларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тартиби белгиланиб, мамлакат фуқаролигига қабул қилиш шарти сифатида давлат тилини мулоқот учун етарли даражада билиш бўйича талаблар мустаҳкамланмоқда.

Бу каби ғоялар "Адолат" СДП мақсадларига мос. Партия "Инсон ҳуқуқларини таъминлаш энг олий мақсад" тамойилига амал қилиб, давлат барча фуқароларнинг жамият ҳаётида фаол иштироки учун шароит яратиб бериши ва инсонларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг ишончли кафолати бўлиб қолиши керак, деб ҳисоблайди.

Йиғилишда муҳокама этилган шу ва бошқа қонун лойиҳалари бўйича депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиқадиган фракция таклифлари ва муносабати билдирилди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.



# Суд жараёнида прокурор ва адвокат ваколати тенглиги

## НЕГА ТАЪМИНЛАНМАЯПТИ?

Давоми. Бошланиши 1-бетда

мамлакатимизда жорий йилнинг декабрь ойида ўтказилажак сайловларга тайёргарлик кўриш мақсадида ҳар бир партия ўзининг Сайловолди дастурини ишлаб чиқади. Жумладан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам Сайловолди дастури лойиҳасини ишлаб чиққан ва мазкур лойиҳа кенг муҳокама қилинмоқда.

Учрашувда дастур лойиҳасининг суд-ҳуқуқ соҳасига оид йўналиши юзасидан атрофлича фикрлашиб олинди, мазкур тизимдаги ислоҳотлар натижаси таҳлил этилди. Хусусан, соҳада аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётган омиллар танқидий ўрганилди.

Бундан кўзланган мақсад мавжуд камчиликларни аниқлаш, қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, камчиликларни янги қонунлар ишлаб чиқиш орқали бартараф этиш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилди.

Партиянинг янги дастурига суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотларга бағишланган бир қанча таклифлар киритилган. Жумладан, Тергов қўмитаси ташкил этишни олайлик. Бу орқали тергов ишлари адолатли ва қонуний ўтказилади, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари бузилмаслигини таъминлаш, жараёнга идоравий манфаатлар аралашувининг олдини олиш мақсадида прокуратура, ички ишлар ва Давлат хавфсизлик хизматидаги тергов бўлимлари бирлаштирилади.

Шунингдек, туман, шаҳар ва вилоят миқёсида фаолият юритаётган тўртта суд тизимини бирлаштириш, туманлараро фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судларни тугатиб, ҳар бир туман ва шаҳарда ушбу тоифа ишларни кўрадиган судьяларни ихтисослаштириш таклиф этилмоқда.

Партия ўз олдида қўйган вазифалар қаторидан адвокатура мавқеини ошириш, суд босқичида прокурор ва адвокат ваколати тенглигини таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги барча маъмурий ишлар фақат суд томонидан кўрилишини таъминлаш ўрин олган.

Билдирилган таклифлар орасида суд мустақиллиги ҳамда суд жараёнида прокурор ва адвокат ваколати тенглигини таъминлаш борасида амалдаги қонунларда қарама-қарши ҳолатлар мавжудлиги қайд этилди. Жумладан, "Прокуратура тўғрисида"ги қонунда прокурорнинг суддан кўрилган ишларни талаб қилиб олиш ва чақириб олиш ваколати белгиланган. Ушбу модда, биринчидан, прокурорнинг судьядан устунлигини, иккинчидан, прокурор ва адвокатнинг тенглик принципи таъминланмаганини кўрсатади.

Шунинг учун қонундан ушбу моддани чиқариш, прокурорнинг суддан ишларни чақириб олиб ўрганиш ваколатини бекор қилиш таклиф этилди.

Бундан ташқари, амалдаги қонунларга асосан иш бўйича прокурор киритган протест суд инстанцияларида, шу жумладан, назорат босқичида ҳам тўғридан-тўғри тегишли судлов ҳайъатида кўрилади. Адвокат ва иш бўйича тарафларнинг суд назорат босқичига берган аризаси аввал судья томонидан ўрганиб чиқилиб, судлов ҳайъатига ўтказиш ҳақида қарор чиқарилсагина судлов ҳайъатида кўрилади, бўлмаса, аризага асоссиз деган мазмундани жавоб хати берилаверади. Натижада фуқароларда ҳақли эътирозлар юзага келади. Шунинг учун бу қоидани ўзгартириб, адвокат ва иш бўйича тарафларнинг суднинг назорат босқичига киритган аризаси бевосита тегишли судлов ҳайъатида тўғридан-тўғри кўрилиши таклиф қилинди.

Тадбирда сўзга чиққанлар вилоят ва унга тенглаштирилган суд раисларининг ишларни ҳар тарафлама, тўлиқ ва асосли кўрилишини таъминлаш, иш юзасидан адолатли ва қонуний қарор қабул қилинишида масъулият ва жавобгарлигини ошириш мақсадида уларга протест киритиш ва судьяларга нисбатан интизомий иш қўзғатиш каби ваколатларни ҳамда вилоят судларига ишларни назорат босқичида кўриш тартибини белгилаш лозимлигини таъкидлашди. Шунда кўп ишлар бўйича вилоят миқёсида адолатли қарор қабул қилиниши таъминланади.

Партия экспертлари томонидан барча таклифлар эътиборга олиниши таъкидланди. Сайловолди дастури лойиҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги барча маъмурий ишлар фақат суд томонидан кўрилишини таъминлаш масаласи ҳам ўрин олиши қайд этилди.

Учрашувда иштирокчилар мавзу юзасидан ўз фикр ва таклифларини билдиришди. Ҳужжатнинг айрим бандларини таҳрир қилиш лозимлиги қайд этилди.

Тадбирда билдирилган таклифлар умумлаштирилиб, партия Сайловолди дастурида акс эттирилиши белгилаб олинди.

**Баҳром БУРХОНИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Матбуот хизмати раҳбари**

# Тиббиёт ходимларини тажовуздан ҳимоялаш

## БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ЕТАРЛИМИ?

Давоми. Бошланиши 1-бетда



Давра суҳбатида мамлакатимизда фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, тиббиёт ходимларининг касбий фаолияти хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ва уни такомиллаштириш мавзуларига доир маърузалар тингланди.

Таъкидланганидек, сўнгги уч йил давомида юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида қатор ижобий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, тиббий хизматлар сифати сезиларли даражада яхшиланди, уларнинг кўлами, энг асосийси, олис ҳудудлардаги аҳолининг сифатли тиббий хизматлардан фойдалана олиш имкониятлари кенгайди.

Давра суҳбати иштирокчилари соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида соғлиқни сақлаш тизими сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганлигини эътироф этдилар. Хусусан, Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришга ажратилаётган маблағларнинг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги қатор муаммоларни ҳал қилиш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимида ҳали амалга оширилиши лозим бўлган талайгина вазифалар борлиги давра суҳбати иштирокчилари томонидан алоҳида қайд этилди. Хусусан, мамлакатимиз ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли қатламларининг барчасига бирдек сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яратиш, соҳани жаҳон стандартларига мос равишда янада такомиллаштириш зарурати долзарб масала бўлиб турибди.

Соҳада мавжуд бўлган ана шундай муаммолардан бири — бу тиббиёт ходимларининг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилиш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказишга уриниш ҳолатларининг кўпайиб бораётганлигидир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, хусусан, "Адолат" СДП фракцияси аъзоларининг сайловчилар билан ўтказаётган учрашувларида тиббиёт ходимлари айрим ҳолатларда беморларнинг ўлими ёки соғлиғи ёмонлашган вақтда баъзи фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятининг етишмаслиги оқибатида асоссиз равишда шифокорни айблаш ва унга тажовуз қилиш ҳолатлари учраб турганлиги, лекин амалдаги қонунчиликда тиббиёт ходимларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳуқуқий нормалар мавжуд эмаслиги тўғрисида эътироз билдиришди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра, 2018 йил давомида 400 га яқин ҳолатда тиббиёт ходимларига беморлар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан тажовуз қилинган. Шундан 39 ҳолатда жабрланган шахслар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига шикоят билан мурожаат қилган.

Маълумки, беморлар даволанадиган муассасаларда шифокорларга тажовуз қилиш атрофдаги бошқа беморлар ва фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини хатарга қўяди, яъни уларнинг ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларига ҳам дахл қилади.

Тиббиёт ходимларининг касбий амалиётини бажаришига тўсиқ бўлаётган ва уларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига таъсир қиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида "Адолат" СДП фракциясининг бир гуруҳ аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳаси тайёрланди.

— Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига янги $198^4$-модда киритиш таклиф этилмоқда, — деди қонун лойиҳаси ташаббускорларидан Шуҳрат Якубов. — Ушбу моддани "Тиббиёт ходимининг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилиш ёки унинг ҳаёти ёхуд соғлиғига тажовуз қилиш" деб номладик. Мазкур ном ҳуқуқбузарлик мазмунини акс эттиргани учун унинг диспозициясини "Тиббиёт ходимининг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик, унга фаол қаршилик кўрсатиш, уятли сўзлар билан сўкиш, ҳақорат қилиш, уриш, дўппослаш, қийнаш ёки унинг ҳаёти ёхуд соғлиғига тажовуз қилувчи ҳаракатларни содир этиш" деган жумлалар билан ифодалаш орқали тажовуз хатти-ҳаракатлари кенгроқ ёритилмоқда.

Модданинг санкцияси, яъни жазо белгиланган қисми қуйидагича баён этилмоқда: "энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади".

Айрим ҳуқуқшунос экспертларда "бундай қонунни қабул қилиш шартми, тиббиёт ходимларига ва умуман фуқароларга тажовуз қилинса, бошқа моддалар билан жавобгарликка тортса бўлади-ку?! Масалан, ҳақорат учун жавобгарлик бор, тан жароҳати етказганлик учун ҳам тегишли моддаларда жавобгарлик белгиланган-ку?" деганга ўхшаш саволлар туғилмоқда. Ёки жамоатчилик орасида "тажовузларга кўп ҳолатларда тиббиёт ходимларининг ўзлари сабабчи", деган қарашлар ҳам мавжуд. Лекин айрим вазиятларда ҳеч қандай айби бўлмаса-да, беморнинг ўлими ёки соғлиғи ёмонлашишида шифокорни сабабсиз айблаш ва унга тажовуз қилиш салбий натижалар бермоқда. Масалан, тиббиёт ходимларининг кенг жамоатчилик ўртасидаги обрўси пасайишига, шифокорларнинг меҳнатга муносабати ўзгариб, ўз касбидан безиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Биз қонун ижодкорлари, айниқса, тиббиёт ходимларини ўз электоратининг асосий қисми деб белгилаган сиёсий партия вакиллари бу борада ўз сўзимизни айтишимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

— Ушбу қонун лойиҳасини тайёрлашда дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибаси ва улардаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилди, — деди фракция аъзоси Муҳаррам Дадаходжаева. — Хусусан, Америка Қўшма Штатлари, Европа Иттифоқи давлатлари, Россия ва Қозоғистонда тиббиёт ходимлари касбий вазифасини бажаришга, уларнинг соғлиғи ёки ҳаётига тажовуз қилишнинг олдини олиш бўйича тегишли маъмурий таъсир чоралари қўллашнинг ҳуқуқий механизмлари мавжуд.

Мамлакатимиз тиббиёт ходимларининг касбий фаолияти хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ўз хизмат бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан тажовуз қилишга қарши профилактик чораларни кўриш мақсадида киритилаётган мазкур норма ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам шу каби ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга йўналтирилган.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой ўтган давра суҳбатида иштирокчилар мазкур қонун лойиҳасини атрофлича муҳокама қилиб, уни янада такомиллаштириш ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритиш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Анвар ЭГАМҚУЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси ижрочи котиби**

## ПАРТИЯЛАРАРО МУНОЗАРА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби сиёсий жараёнларда ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Бундай ислоҳотларни барчамиз кузатиб, айрим жабҳаларида фаол иштирокчиси ҳам бўлаяпмиз. Айниқса, халқимизда бу йилги сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар катта қизиқиш уйғотмоқда. Айтиш мумкинки, бугун юртимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг сайловчилар муаммоларини ўрганиш борасида эришган амалий натижалари, аниқ ишлари ҳам кўзга ташланмоқда.

# ЭЛЕКТОРАТИ НОАНИҚ ПАРТИЯ нега рақамларга ёпишмоқда?!

Аммо жорий йилги сайловларда ғалаба қозонишни истаган ҳар қандай партия учун бу каби ташаббусларнинг ўзи етарли, деб бўлмайди. Чунки бугунги сайловчи бундан беш йил олдинги сайловчи эмас. Бунга биргина шу йил май ойида маҳалла раислигига (оқсоқолларига) бўлиб ўтган сайловлар ҳам ёрқин мисол бўла олади.

Бугунги сайловчилар янгиланаётган Ўзбекистон тарихи учун сиёсий партиялардан янгидан-янги, халқимизнинг дилидаги ва тилидаги ғоя ва ташаббусларни илгари суришини кутаётган бир вақтда айрим сиёсий майдондаги рақибларимизнинг бир-бирига кўр-кўрона лой чаплашга ҳаракат қилишлари, электорат ва партияга аъзо талашишлари сайловчиларнинг ҳафсаласини пир қилмоқда. Чунки сиёсий партия нафақат электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, балки халқимиз манфаатини кўзлаб фаолият олиб бориши керак. Чунки Ўзбекистон бугун бешта сиёсий партияга аъзо бўлган жами 2 157 531 нафар фуқародангина иборат эмас. Сиёсий майдонда ғалабага эришган партия 33 миллиондан ортиқ халқимиз ишончини оқлаш учун фаолият олиб боради.

"Миллий тикланиш" ДП расмий нашри бўлган "Миллий тикланиш" ижтимоий-сиёсий газетасининг 2019 йил 25 сентябрдаги 37-сонида "Тадбиркорлар қатлами ЎзЛиДеПни тарк этаяптими?" сарлавҳаси остида мақола эълон қилинди. Мақолада "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати томонидан тайёрланган маълумотлар асосида рақобатдош партияларнинг аъзолари сони ортишига шубҳаси борлигини иддао қилишган.

Мақолада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" ДП рақобатдош партия аъзоларининг сони кескин ўсганлигига шубҳа қилиши, улар рақамлар кетидан қувиб, аъзолар сонини оширганини, аслида партияга аъзо бўлганлар ўзлари аъзолигидан хабардор эмаслиги таъкидланади.

Шу ўринда партияда фаолият олиб бораётганим учун эмас, "Миллий тикланиш" ДП "байроқ" сифатида илгари сураётган партия аъзоларининг бугунги кунда 46,9 фоизини ташкил этадиган талабаларнинг қандай қилиб партияга аъзо бўлиб қолганликларини билганим учун ҳам ўз фикрларимни билдириб ўтишни бурчим, деб билдим. Бинобарин, қолган партиялар ҳам бир-бирининг аъзолари шахсини аниқлаштириш билан эмас, шахси ва фуқаролиги аниқ бўлган юртдошларимиз манфаати йўлида хизмат қилишини истайман.

**Биринчидан,** мақолада урғу бериб таъкидлангандек, "Миллий тикланиш" ДП илм-фан аҳли ва зиёли ёшлар партияси бўлса, нега аъзоларининг қарийб 46,9 фоизини ёшлар ташкил этади-ю, зиёлилар атиги 14,3 фоиз? Мен ўзим таълим олган олийгоҳда "Миллий тикланиш" ДП фаолларидан бўлган икки факультетнинг ўқитувчиларини билардим. Факультетга қабул қилиниб, ўзи куратор сифатида бириктирилган ҳар бир курсни ўқув йилининг бошидан рўйхат бўйича тўлиқ партия аъзолигига қабул қилар эди. Шу боис бугунги кунга келиб, партия сафида талаба-ёшлар сони сунъий равишда 46,9 фоизга етган бўлиши мумкин. Асосий электоратимиз дея таъкидлаган, мажбурий аъзоликни онгли равишда истамайдиган зиёлилар эса 14,3 фоизни ташкил этмоқда.

**Иккинчидан,** "Миллий тикланиш" ДП 2014 йилги сайловлардан кейин бугунги кун ҳолатига аъзолари сони энг кам ўсган партиялардан бири ҳисобланади. Шундан ҳам кўриниб турибдики, бугун партия томонидан кўтариб чиқилаётган ғоя ва ташаббуслар халқимиз манфаатлари учун тўлақонли мос эмас. Бу ҳолатни қолган партиялар аъзолари сони сунъий равишда ўсмоқда деб оқлаш ҳам, менимча, адолатдан эмас.

**Учинчидан,** "Миллий тикланиш" ДП парламентда аъзолари сони жиҳатидан иккинчи ўринда бўлишига қарамасдан, халқимизни ўйлантираётган муаммолар ечимига қаратилган қонунчилик ташаббусида ҳам анчайин ортда.

**Тўртинчидан,** "Адолат" СДП қайсидир партиялар аъзолари статистикасини таҳлил этиш ўрнига ўз сайловчиларига берган ваъдаларини бажариш борасида ишларни амалга ошириб, қонунчилик ташаббуси, қарор ва фармонларга ўз дастуридаги вазифаларни бажариш учун ҳукуматга таклифлар киритиш орқали йиллар давомида аҳолини қийнаб келаётган муаммоларнинг ечимига эришиш тарафдоридир.

"Миллий тикланиш" ДП 2014 йилги сайловлардан кейин бугунги кун ҳолатига аъзолари сони энг кам ўсган партиялардан бири ҳисобланади. Шундан ҳам кўриниб турибдики, бугун партия томонидан кўтариб чиқилаётган ғоя ва ташаббуслар халқимиз манфаатлари учун тўлақонли мос эмас. Бу ҳолатни қолган партиялар аъзолари сони сунъий равишда ўсмоқда деб оқлаш ҳам, менимча, адолатдан эмас.

Амалий ишлар, хусусан, олий таълим муассасаларига кириш учун квоталар сонини ошириш, ҳудудларда уларнинг филиалларини очиш, нострификацияни соддалаштириш, аёлларнинг репродуктив саломатлиги, инсон аъзолари ва тўқималари трансплантацияси, архивлар фаолиятини такомиллаштириш, Мактабгача таълим ҳамда Инновацион ривожланиш вазирликларини ташкил этиш каби ташаббуслардир.

Биргина мисол — "Миллий тикланиш" ДП 2014 йилги сайловолди дастурида ҳам давлат тили масаласига доир муаммоларни ўртага ташлаган эди. Аммо энг ачинарлиси, бу борада бирор ечимга эришиш у ёқда турсин, ўша танқидий мақоласини эълон қилган нашрини ҳам лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чоп этаётгани йўқ. Агар 4 саҳифасини лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чоп этишини дастлабки қадам деб билсалар, бу хато. Бу кўнгилга таскин беришдан бошқа нарса эмас.

**Бешинчидан,** давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишни қайсидир соҳа вакиллари ё бўлмаса, маълум бир рақамларни бирлаштириш орқали амалга ошириб бўлмайди. Бунга тарих ҳам гувоҳ. Ғалабага эришишни истаган ҳар бир партия Ватанимиз тараққиёти, фуқароларимизнинг турмуш фаровонлигига рақамлар орқали эмас, амалий ишлар ва халқимиз бирдамлиги орқалигина эришиши мумкин.

Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, "Адолат" СДП ўз сафини аъзоларнинг жимжимадор шаклда ўсишига эришишга эмас, фаол аъзоларни бирлаштириш орқали ўз дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга интилади. Партия томонидан бугунги кунда илгари сурилаётган ғоя ва ташаббуслар халқимизни йиллар давомида ўйлантириб келаётган муаммолар ечимига қаратилган.

Хусусан, биринчи галда халқимизнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун ҳудудларда фаолият кўрсатаётган судларни бирлаштириш лозимлиги. Ҳозирги кунда ҳудудларда ва туман (шаҳар)ларда фуқаролик, жиноий, маъмурий, иқтисодий ишлар бўйича судлар фаолият юритмоқда. Фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича икки ёки учта туманга битта туманлараро суд фаолият юритмоқда. Амалиётда шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, ойлар давомида судда маълум бир иш кўрилади-да, сўнгра "бизга эмас, бошқа судга тааллуқли экан", деган важ билан қайтариб юборилади. Табиийки, буларнинг барчаси фуқароларимизнинг сарсонгарчилигига сабаб бўлмоқда. Партия ташаббуси натижасида фуқаролик, жиноий, маъмурий, иқтисодий ишлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларини бирлаштириш орқали битта маъмурий ҳудудда битта суд идораси ташкил этилади. Натижада фуқароларни қийнаётган сарсонгарчиликларга чек қўйилади.

Шунингдек, суд мустақиллигини ҳамда суд жараёнида прокурор ва адвокат ваколатининг тенглик принципини таъминлаш борасида амалдаги қонунлардаги қарама-қарши ҳолатларни бартараф этиш лозим. Мисол учун, амалдаги қонунда прокурорнинг суддан кўрилган ишларни талаб қилиб олиш ва чақириб олиш ваколати белгиланган модда мавжуд.

Ушбу модда, биринчидан, прокурорнинг судьядан устунлигини, иккинчидан, прокурор ва адвокатнинг тенглик принципи таъминланмаганини кўрсатмоқда. Чунки суддан ишларни прокуратурага олиб келишни талаб қилганда судья ишларни қўлтиқлаб олиб боряпти. Адвокат эса судга иш билан танишиш ҳақида ариза бериб, натижасини кутади. Бунга рухсат берилганда ҳам иш билан танишиш учун маълум вақт белгиланади. Прокурор эса вақт чегараланмагани сабабли иш билан ойлаб танишиши мумкин.

Амалдаги қонунларга асосан иш бўйича прокурор киритган протест суд инстанцияларида, шу жумладан, назорат босқичида ҳам тўғридан-тўғри тегишли судлов ҳайъатида кўрилади. Адвокат ва иш бўйича тарафларнинг суд назорат босқичига берган аризаси, аввал судья томонидан ўрганиб чиқилиб, судлов ҳайъатига ўтказиш ҳақида қарор чиқарилган тақдирда судлов ҳайъатида кўрилади, бўлмаса, аризага "асоссиз" деган мазмунда жавоб хати берилаверади. Натижада фуқароларда ҳақли эътироз юзага келади. Партиямиз янги Сайловолди дастурида суд жараёнида прокурор ва адвокатлар ҳуқуқларини тенглаштириш, қонунчиликдаги қарама-қаршиликларни тўлақонли бартараф этиш юзасидан ҳам қатор амалий таклифларни илгари сурмоқда.

Республикамизнинг олис ҳудудларида аҳоли билан бўлиб ўтган учрашувларда фуқароларимиз томонидан бугунги кунда олий таълим муассасаларига киришдаги муаммолар, абитуриентлар сони ва қабул квоталари ўртасидаги тафовутнинг катталиги, хорижий давлатлардаги таълим сифати кафолатланмаган олий таълим муассасаларига ёшларимиз оқимининг ортаётгани каби кўплаб фикрлар билдирилди.

Мазкур масалаларни эътиборга олган ҳолда партия экспертлари томонидан тайёрланаётган Сайловолди дастурига олий таълим муассасаларига киришни осонлаштириш, олий маълумотлилар сафини кенгайтириш, аммо ўқув жараёнида ҳақиқий билим олишга талабни кучайтириш каби кечиктириб бўлмайдиган устувор вазифалар киритилмоқда.

Партия Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда 2020 йилдан ҳар бир олий таълим муассасасига давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари акс этган норматив ҳужжатларни белгилаш, сиртқи таълим қамровини кенгайтириш, кечки таълим тизимини жорий қилиш ҳамда олис ҳудудлардаги ўқиш иштиёқи бўлган, аммо иқтисодий имконияти чекланган юртдошларимиз учун масофавий таълимни йўлга қўйишга эришишга ҳаракат қилади. Натижада олий таълим муассасалари босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилади, бу эса табиийки, контракт тўловлари миқдорининг сезиларли камайишига олиб келади.

Бугунги кунда аҳолимизни қийнаётган муаммолардан яна бири — бу жамиятда учраётган коррупция ҳолатидир. Партия томонидан илгари сурилаётган таклифлар орқали келгуси беш йилликда коррупцияга қарши курашда жамиятда ушбу иллатга нисбатан мутлақо тоқатсизлик ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга эришиш мақсад қилинган. Партия бундай ижобий натижага эришишда энг самарали усул — юртдошларимизнинг фаол фуқаролик позицияси, деб билади.

Азалдан халқимиз учун юртимиз тинчлиги ва инсон саломатлиги энг улуғ неъматдир. Шу боис партия Сайловолди дастурида Бош қомусимизда белгилаб берилган бепул малакали тиббий хизматга тўлақонли эришиш, ҳудудларда зарурий йўналишларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётган ихтисослашган тиббиёт марказларининг филиалларини ташкил этиш, фуқароларнинг саломатлиги борасидаги ҳужжатларини электрон шакллантириш учун "Ақлли тиббиёт" тизимини кенг жорий қилиш, аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётган, қалбаки ва самарасиз дори воситалари айланиши ва улардан фойдаланиш ҳолатларига чек қўйиш ҳамда дори воситаларининг электрон рўйхатини шакллантириб, шаҳар ва қишлоқларда бир хил нархда сотилишига эришиш партия учун энг муҳим йўналишлардан биридир.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки, бугунги сайловчилар ўз ҳақ-ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланадиган сайловчилардир. Улар қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқларидан унумли фойдаланган ҳолда қайсидир партияга аъзолиги учун эмас, ўз ҳаёти ва мамлакатимиз келажагини кўра олган партия ғояларини қўллаб-қувватлаб овоз беришади.

Мен рақамлар ортидан қувадиганларни маъқул кўрмасам-да, маълумот ўрнида айтиб ўтишни жоиз топдим. "Миллий тикланиш" ДП бугунги кундаги аъзолари сони аслида 3 та сиёсий партиянинг бирлашиши натижасида жамланганини унутиб қўймадимикан? Менимча, рақамларга қизиқадиган партия учун бу жуда муҳим бўлса керак. Очиқлик ва ошкоралик руҳида бўлиб ўтадиган бу йилги сайловларда сонга қараб эмас, ҳар бир сайловчининг овози учун курашадиган сиёсий партиялар билан рақобат қилиш биз учун шарафлидир.

**Фаррух АБДУҲАМИДОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
**Матбуот хизмати масъул ходими**

## ТАЙЁРГАРЛИК

Мамлакатимизда партиялараро соғлом рақобат шароитида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон «Адолат» СДП фуқаролик жамиятини қуриш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш ва ўз электорати манфаатларидан келиб чиқиб, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши, мамлакатимиз ёруғ келажаги учун ўз мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этишга интилмоқда.

# Сайловга соғлом рақобат билан киришамиз



Айни кунларда қорақалпоғистонлик партия фаоллари томонидан жорий йил 22 декабрь санасида бўлиб ўтадиган мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — парламентнинг қуйи палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловларда муносиб иштирок этиш бўйича зарур чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Жорий йил август ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган ўқув-семинарда ўз билим ва малакаларини ошириб қайтган тренерларимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, туман, шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларда фаол қатнашиш мақсадида партия тизимида фаолият олиб бораётган барча ходимларимиз учун сиёсий ўқувлар олиб боришди.

Сайлов жараёнининг муҳим иштирокчилари ҳисобланган кузатувчилар ва ваколатли вакиллар учун ҳам мазкур ўқувлар ташкил этилиб, уларнинг янги Сайлов кодекси асосида билим ва кўникмалари шакллантирилди.

Айни кунда Сайлов кодексининг 38-моддаси асосида партиямизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчилар имзоларини тўплаш ишлари юқори савияда ташкил этилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилган сиёсий ислоҳотлар фуқароларнинг эркин фикр билдириш ҳуқуқидан фойдаланишига, мамлакатимизда фикрлар хилма-хиллигининг ривожланишига, фуқаролик жамиятининг тараққий этишига кенг имкониятлар яратмоқда.

Ҳозирда фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида бешта сиёсий партиянинг тенг ва кенг имкониятлар, соғлом рақобат муҳити шароитида фаолият олиб боришлари учун мустаҳкам қонуний асослар мавжуд.

Мустақиллик йилларида қабул қилинган, сиёсий партиялар фаолиятида муҳим аҳамият касб этаётган "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунлар ва "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши, мамлакатимизда эркин демократик давлат, одил фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган юксак эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, қабул қилинган Сайлов кодекси сайловларимизнинг демократик принциплар асосида ўтишига тўла имконият яратади.

**Ривож ОТАРБАЕВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари**

## НАЗОРАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи ходимлари томонидан Бектемир туманидан рўйхатдан ўтган "ISTAL" МЧЖ раҳбари Р.Талибжановнинг "Микрокредитбанк"-АТБ Элликқалъа филиали томонидан кафолат хатидаги мажбуриятларини бажармаётганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди.

# Кредит маблағи ажратилди

Унга кўра, "ISTAL" МЧЖ томонидан "Эл-жаннат қуши" ФХга етказиб берилган 2 (икки) дона котёл учун "Микрокредитбанк" АТБнинг Элликқалъа филиали томонидан 2019 йил 24 июнь куни фермер хўжалигига котёл етказиб берилганидан сўнг, яъни юк хатига асосан 10 кун ичида кредит ҳисобидан тўлаб беришга 01-18/535-сон билан рўйхатдан ўтган кафолат хати берилган.

Ваҳоланки, 2019 йил 28 июндаги 72-сонли юк хатига, шунингдек 16-сонли ҳисоб-фактурага кўра 2 (икки) дона котёл етказиб берилган.

"ISTAL" МЧЖ томонидан 2019 йил 18 июль куни "Микрокредитбанк"АТБ Элликқалъа филиалига тўланмай қолган пулларга эътироз хати юборилган. Лекин тадбиркорнинг эътироз хатига филиал томонидан жавоб берилмаган.

Натижада вакил ходимлари аралашувидан сўнг "Микрокредитбанк"АТБ Элликқалъа филиали томонидан 100,0 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилиб, "ISTAL" МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

**Д.НАСРЕТДИНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи ходими**

# Адолат — ҳар бир инсон учун!

## Ҳудудларда митинг ва акциялар ўтказилмоқда

Давоми. Бошланиши 1-бетда

**Тошкент вилояти.** Жорий йилнинг 30 сентябрь куни Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилоят кенгаши томонидан соғлиқни сақлаш тизимидаги мавжуд муаммо ва камчиликлар, аҳоли дуч келаётган тўсиқларни ўрганиш мақсадида Бекобод шаҳар "Металлурглар" маданият саройи олдидаги майдонда "Бизга тўлиқ ақлли тиббиёт керак!" мавзусида митинг ўтказилди.



Таъкидлаш жоизки, ушбу тадбирни ўтказишга тайёргарлик жараёнида ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали аҳоли хабардор этилгани иштирокчилар сонини кескин ошириб юборди, дейиш мумкин. Шу боис тадбирда ёшу кексалар ҳамда бошқа вилоятлардаги сафдошларимиз ҳам иштирок этишди.

Тадбир аввалида янграган карнай-сурнай наволари, кўргазмали қўл жанги намойишлари, партия томонидан ташкил этилган акциялар маданият саройи майдонига келган минглаб юртдошларимизда ўзгача таассурот қолдирди. Улар орасида турли миллат вакиллари ва турфа касб эгалари борлиги эътиборга молик, албатта.

Иштирокчилар партиямизнинг тарғибот материаллари, шиорларига катта қизиқиш билдиришди. Шу билан бирга, улар партия вакиллари билан мулоқотда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Анжуманда таниқли санъаткорларнинг "Адолат" СДП ғоя ва мақсадларини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни турли ёт ғоялар, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатлардан асраш, ёшларда ижтимоий-сиёсий ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини юксалтириш руҳидаги чиқишлари йиғилганлар диққатини жалб қилди.

Сайловчилар билан ўзига хос, янгича мулоқот ўтказишга бағишланган тадбирда вилоят партия кенгаши раиси Умид Шоумаров Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг устувор вазифалари, партия ғояларини ҳаётга татбиқ этиш, бу борада ҳудудда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Митингда Ўзбекистон "Адолат СДП Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров сўзга чиқиб, партиямиз фаолияти, эришаётган натижалари хусусида тўхталиб ўтди.



Н.Умаров жорий йилда бўлажак сайловларга "Адолат" партияси жиддий тайёргарлик кўраётганини, янги Сайловолди дастуримизда белгиланаётган устувор йўналишлар, аниқ вазифалар халқимизнинг бугунги ҳаёти ҳамда юксак орзу-мақсадларини ўзида ифода этганини таъкидлади.

Митинг қатнашчилари томонидан дастурда соғлиқни сақлаш масалаларига янада кенгроқ ўрин бериш таклифи билдирилди. Бунда айниқса, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, "Ақлли тиббиёт" тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Митингда "Ақлли тиббиёт — барча учун!" шиорини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш ғояси илгари сурилди. Соғлиқни сақлаш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, пулли хизматлар турларини аниқ белгилаш, тиббиёт ходимлари ўртасида коррупцион ҳаракатларни батамом йўқотиш лозимлиги йиғилганлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Расмиятчилик, зерикарли маърузалардан холи бўлган жонли мулоқот тарзидаги интерактив ўйинлар, совринли викториналар, мушакбозлик томошалари билан ўтказилган мазкур тадбир барчага манзур бўлди.

**Улуғбек ҚОДИРОВ,**
**Бекобод шаҳар кўп тармоқли поликлиника шифокори, партия аъзоси:**

*— Партия томонидан бугунги кунда илгари сурилаётган ғоя ва ташаббуслар халқимизни йиллар давомида ўйлантириб келаётган муаммолар ечимига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Хусусан, ҳудудларда зарурий йўналишларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётган ихтисослашган тиббиёт марказларининг филиалларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашув эса фуқароларнинг саломатликлари борасидаги ҳужжатларини электрон шакллантириш учун "Ақлли тиббиёт" тизимини кенг жорий қилишга туртки беради. Пировардида аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётган қалбаки ва самарасиз дори воситалари фаолиятига чек қўйиш ҳамда дори воситаларининг электрон рўйхатини шакллантириб, шаҳар ва қишлоқларда бир хил нархда дорилар сотилишига эришилади. Шу каби долзарб масалаларни ўртага ташлаб, уларни ҳал этишни мақсад қилган Ўзбекистон "Адолат" СДПга аъзо бўлганимдан фахрланаман.*



**Шоҳиста ТУРДИМУРАДОВА,**
**Бекобод шаҳар 11-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:**

*— Тараққиётнинг муҳим омилларидан бири бу таълимга эътибор ҳисобланади. Шу боис партиянинг олий таълим муассасаларига кириш учун квоталар сонини ошириш, ҳудудларда уларнинг филиалларини очиш, дипломларнинг нострификациясини соддалаштириш каби ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишдек эзгу ғоялари бекободликларни ҳам қувонтираётгани рост. Албатта, ёшларимиз ўқиб-ўрганса, илмли бўлса, жамиятда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлади. Маърифатли инсон ҳеч қачон беҳуда ишларга, турли иллатларга берилмайди. Демоқчиманки, айнан таълимга бўлган эътибор олдимизда турган жуда кўплаб муаммоларнинг барҳам топишига сабаб бўлади.*

**Комилжон АБДУЖАББОРОВ,**
**"Ўзметкомбинат" АЖ ишчиси:**

*— Яширишга ҳожат йўқ, ҳозирги вақтда аҳолимизни қийнаётган муаммолардан бири — коррупция иллати ҳисобланади. Агар биз бугунги ҳаётимиз янада фаровон бўлишини истасак, фарзандларимиз биздан ҳам кўпроқ бахтли эканлигини кўрмоқчи бўлсак, бу иллатга қарши курашишда бир ёқадан бош чиқаришимиз, ҳамжиҳат ва ҳамфикр бўлишимиз, бу борадаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, фаоллик кўрсатишимиз шарт.*

**Азамат ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Бекобод шаҳар 11-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:**

*— Бугунги тадбир ҳар томонлама фойдали бўлди. Бундай учрашувлар фақат эзгуликка хизмат қилади. Тадбирда Президентимиз илгари сурган бешта ташаббуснинг мазмун-моҳияти содда тилда тушунтириб берилди. Мазкур бешта ташаббусни комилликнинг устуни, деб биламан. Бунда асосий мақсад ёшларимизнинг бўш вақтини уларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда, мазмунли ташкил этиш, санъат, спорт, илм-фан билан шуғулланиш, компьютер технологияси ва интернетдан фойдаланишлари учун шароитлар яратиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш каби эзгу ишларга қаратилган экан, демак эртамиз бугунимиздан кўра яхшироқ бўлиб бораверади.*

**Одина ИСМОИЛОВА,**
**"Ўзбекистон" маҳалласи фаоли:**

*— "Металлурглар" маданият саройи яқинида яшайман. Ушбу майдонга йиғилган одамлар, куй ва қўшиқлар овозини эшитиб, қизиқиб келавердим. Олдинлари ҳам партия тадбирларида қатнашганман. Бир хонада 30-40 киши тўпланиб, маърузачининг узундан-узоқ зерикарли маърузаларини тинглаган вақтларимиз ҳам бўлган. Ўйлайманки, бугунгидек тарғибот тадбири партиянинг мақсад ва ғояларини тарғиб қилиш, хайрихоҳлар сафини кенгайтириш, фуқароларнинг мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, қонунчилик соҳасида ва парламент фаолиятида олиб борилаётган ислоҳотлардан хабардорлигини оширишга хизмат қилади.*

Партиянинг бу каби янгича тарғибот тадбирлари вилоятнинг барча туман ва шаҳарларда ўтказилади.



**АНДИЖОН. Коррупцияга қарши курашиш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам асосий вазифасига айланди. Чунки жиноятчиликнинг бу тури жамиятда носоғлом муҳитнинг юзага келишига сабаб бўлади. Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши ташаббуси билан "Биз коррупцияга қаршимиз!" шиори остида ўтказилган акция айни шу мақсадга қаратилди.**

Андижон шаҳар кўчаларида ёшларнинг "Биз коррупцияга қаршимиз!", "Коррупцияга йўл йўқ!" дея баралла янграган овози юртдошларимиз эътиборини тортди. Фаол йигит-қизлар барчани Асака тумани марказидаги маданият ва истироҳат боғига бошлади. Сайилгоҳ жиноятчиликка қарши курашиш йўлида бир кучга айланган "адолатчи"лар ва хайрихоҳлар билан тўлди.

"Адолат" СДПнинг халқчил ғоя-мақсадларини тарғиб этишга қаратилган мазкур тадбирда партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Раҳмонов иштирок этди.

— Демократик ислоҳотлар изчил давом этаётган бир вақтда давлат хизматчилари томонидан пораxўрлик, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятлар содир этилиши ҳокимиятнинг обрўсизланишига, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етишига олиб келмоқда, — деди А.Раҳмонов. — Аксарият ҳолларда коррупция деганда давлат хизматчилари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида халқдан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади. Аммо, умуман олганда, давлат амалдорларигина эмас, балки давлат ташкилотида ишламайдиган фуқаролар ҳам коррупцияга доир муносабатларнинг иштирокчилари бўлиши, пора пул эмас, балки бошқа нарса эвазига маълум бир манфаатларига эришишлари, жамиятдаги коррупцион ҳолатларга бепарволиги ҳам аслида бир иллатдир.

Тадбирда сўзга чиққанлар амалдаги қонунчилигимизда коррупцияга йўл қўйган шахсларга қандай чоралар белгиланганлиги ҳақида таъкидлаб ўтишди. Ёш актёрларнинг театрлаштирилган чиқишларида бу иллат боши берк кўчанинг бошланиши экани, унга қарши биргаликда курашиш коррупцияни илдизи билан қуритишга хизмат қилиши ўз ифодасини топди. Айни вақтда коррупция жамият ривожига жиддий тўсиқ бўлиши ҳам кўрсатилди.

Ижро этилган куй-қўшиқларда санъаткорлар барчани ҳамжиҳатликка, ҳар қандай жиноятчиликка қарши муросасиз курашишга чақирди.

— Баъзида олий таълим муассасаларидаги пораxўрлик ҳолатлари ҳақида сўз юритилади, — дейди тадбир иштирокчиси Алишер Иминов. — Бунга ким йўл очаяпти? Албатта, биринчи навбатда ўзимиз. Агар талаба ўз устида ишласа, билим олса уни ҳеч ким бошқа йўлга бошламайди. Шунда ўша пулга ружу қўйган айрим устозлар ҳам талаба билан ҳисоблашишга, унинг билимини тан олишга мажбур бўлади.

— Партиямизнинг Сайловолди дастури лойиҳасида ҳуқуқий йўналишга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши раиси Мадаминжон Мадазимов. — Жумладан, биз пораxўрликка қарши муросасиз курашамиз. Қаерда пораxўрликка йўл қўйилса, шу жойда ривожланиш бўлмайди. Қолаверса, маънавий муҳит бузилади. Бу борада ёшлар билан алоҳида иш олиб бораётганимиз бежиз эмас. Уларни қанчалик соғлом руҳда тарбияласак, эртага бу ўз натижасини беради.

Тадбир маданият ва истироҳат боғи амфитеатрида ташкил этилган "Биз бир кучмиз!" шиори остидаги гала концертга уланди.

**НАМАНГАН. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик тобора қизғин тус олмоқда. "Адолат" социал-демократик партияси ҳам жойларда ўз ғоялари ва дастурларини кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган қатор тадбирлар ўтказмоқда. Яқинда пойтахтимиз Тошкентда бошланган "Адолат сайли" эндиликда вилоятларда ҳам давом этмоқда. Улар аҳолининг барча қатлами вакилларида катта ва унутилмас таассурот қолдираётганлиги диққатга сазовордир.**

Шу йил 29 сентябрда Янгиқўрғон тумани марказидаги экопарк кенг жамоатчилик вакиллари, нуронийлар ва ёшлар, хотин-қизлар, маҳалла фаоллари билан гавжум бўлди. Бу масканда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши ва вилоят партия кенгаши ташаббуси билан "Адолат сайли" ўтказилди.



Дастурий ғоя ва мақсадларни омма орасида кенг тарғиб қилишга бағишланган маданий-маърифий тадбир "Адолат — ҳар бир инсон учун!" шиори остида ташкил этилди. Унинг биринчи қисмидан ўрин олган митингда сўзга чиққан Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Раҳмонов, вилоят партия кенгаши раиси Исроил Жўраев, халқ депутатлари Янгиқўрғон тумани Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП гуруҳи раҳбари Дилбар Асқарова ва бошқалар жамият ҳаётидаги бошқа долзарб масалалар қатори суд-ҳуқуқ соҳасида йиллар давомида эътибор қаратилмасдан йиғилиб қолган муаммоларни, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишини амалга оширишда партия олдида турган вазифаларга тўхталиб ўтдилар.

Тадбир давомида партия фаолиятига оид лавҳалар, ғоявий чиқишлар, "Ёш адолатчилар" қаноти ва "Аёллар қаноти" вакилларининг сўзлари ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Юзма-юз мулоқотлар ва турли масалалар бўйича савол-жавоблар юртдошларимизда "Адолат" СДП ғояларига хайрихоҳлик тобора кучайиб бораётганини кўрсатди. Ушбу тадбирлар давомида кўплаб ёшлар партия сафига қўшилиш истагини билдиришгани ҳам фикримиз далилидир.

Шундан сўнг мазкур тадбирлар сайил шаклида давом этди. Санъаткорларнинг куй-қўшиқлари, бадиий жамоаларнинг чиқишлари барча йиғилганларга завқ-шавқ бағишлади.

Албатта, "Адолат" СДП ташкил этган ушбу тадбирларда бошқа бир қатор масалаларга ҳам кўпчиликнинг эътибори жалб этилди. Мисол учун, ёшлар келажагимиз бунёдкори эканлиги, мамлакатимизда уларнинг пухта билим эгаллаши, ҳар томонлама соғлом авлод бўлиб улғайиши учун муносиб шароит яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, навқирон авлодни инсон омилига жиддий салбий таъсир қилувчи диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, коррупция, "оммавий маданият" каби иллатлардан асраш ҳақида ҳам сўз юритилди. Давлатимиз раҳбари томонидан бу борада илгари сурилган 5 та ташаббус доирасида жойларда давом этаётган улкан бунёдкорлик ишлари салмоғини янада ошириш муҳим аҳамият касб этишига ҳам эътибор қаратилди. Зеро, ёшларни маданият-маърифат масканларига кенг жалб этиш уларнинг маънавиятини янада юксалтиради.

Мухтасар айтганда, Янгиқўрғондаги тадбир Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси учун ўз ғоя ва мақсадларини кенг омма орасида тарғиб-ташвиқ қилиш борасидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

**Ф.САТТОРОВА, А.НАЗАРОВ, Н.АБДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент, Андижон, Наманган вилоятлари кенгаши матбуот котиблари**

# Ўқитувчилик — улуғ масъулият!

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригида **“Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб кўри, бутун борлиғини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати, жасорати ҳар қандай юксак баҳоларга муносибдир”**, — деб бизнинг ҳам шарафли, ҳам машаққатли фаолиятимизни алқаганларида юрагим ҳаяжонга тўлди. Шу касб эгалари орасида мен ҳам борлигимдан фахрландим.

Ўқувчилик пайтимда устозларимнинг сабоқларини жон қулоғим билан тинглардим. Улар беқиёс илм соҳиби эканлигидан ҳайратланардим. Устозларнинг ҳар бир сабоғи мени шу азиз Ватанни, муқаддас тупроқни, ота-онамни бутун борлиғим билан севишга ўргатди, улар олдидаги бурчимни бажаришга, масъулликка ундади.

Отам Баҳодир Камолов тумандаги 30-сон умумтаълим мактабида олий тоифали математика ўқитувчиси, онам Дармонжон Нуруллаева ҳам шу мактабда бошланғич синф муаллимаси. Бир сўз билан айтганда, кичкиналигимдан менинг ота касбига, математика фанига қизиқишим бошқача эди. Аниқ фанларни чексиз-чегарасиз билимлар уммонига ўхшатар, уларни забт этишга интилар эдим. 2008-2010 йилларда фан олимпиадаларида кетма-кет қатнашиб, вилоятдаги тенгдошларим орасида 1-ўринни эгалладим ва Урганч давлат университети математика факультетининг “Амалий математика ва информатика” таълим йўналишига давлат гранти асосида талабаликка қабул қилиндим. Олий ўқув юртида янада тажрибали профессор-ўқитувчилардан чуқур билим олдим ва ҳар йили республика фан олимпиадаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаш билан бирга “Масала қандай ечилади?”, “Талабалар математика олимпиадаси масалалари” ўқув-услубий қўлланмаларини яратдим.

Математика шундай қизиқарли фанки, ўқиб, ўрганганинг сайин унинг сирли оламига кириб бораверасан. Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультетининг “Амалий математика ва ахборот технологиялари” мутахассислиги бўйича магистратурани тугатиб, уч йилдан буён ёш мутахассис сифатида Боғот туманидаги “Айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ва чет тилларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернати”да фаолиятимни олиб бораяпман.

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимига катта эътибор қаратилмоқда. Синф хонасида ўтириб, дунёдаги энг нуфузли олимларнинг сабоқларини олишинг, билимингни бойитишинг мумкин. Мен ҳам нафақат ёшларни ўқитаяпман, балки ўз билимларимни ҳам мустаҳкамлаб бораяпман. Бугуннинг ўқувчиси ниҳоятда зукко. Улар истаган маълумотни интернет тармоқлари орқали ҳам топишлари мумкин. Эндигина уч йиллик иш тажрибасига эга бўлганлигим учун бир зум ҳам изланишдан тўхтамаслигим кераклигини ҳис қиламан. Чунки жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан жой эгаллашга интилаётган, она юртимиз келажаги бўлган ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялаб, камолга етказиш масъулияти ўқитувчидек қадри баланд касб эгалари зиммасига юклатилган. Уларнинг сафида эканлигим менга чексиз фахр бағишлайди ва бу ишончга муносиб бўлиш, мустақил юртга хизмат қилиш масъулиятини юклайди.

Бугунги кунда давлатимизда ёш кадрларнинг ишлаши, ижод қилиши, касб малакаларини ошириши учун катта имкониятлар, шарт-шароитлар яратилган. Мен ҳам бу имкониятлардан фойдаланиб, ўқувчиларни тўгарак машғулотларига жалб қилишим, ҳар бири билан индивидуал иш олиб боришим натижасида уларнинг билимлари, менинг эса тажрибам оша борди. Шу билан бирга, ўқувчиларимга ибрат бўлиш учун “Ўқитувчи ва ўқувчининг муваффақият доскаси”ни ташкил этдим. Натижаси қувонарли: мен 2016-2017 ўқув йилида “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танловининг республика босқичида фахрли 3-ўринни эгаллаган бўлсам, ўқувчим Ҳадичабону Ражаббоева вилоятда мактаблараро ўтказиладиган сиртқи фан олимпиадасининг уч турида ҳам 1-ўрин соҳиби бўлди.

2017-2018 ўқув йилида “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2018” кўрик-танловининг туман, вилоят ва республика босқичларида, “Билимлар беллашуви”нинг вилоят босқичида ҳакам сифатида иштирок этдим.

Шу билан бирга, “Таққослашнинг турли хил усуллари”, “Тенгламалар системасига келтириб ечиладиган айрим тенгламалар” каби мақолаларим республика нашрида чоп этилиши билан бирга, “Математикадан билимлар беллашуви ва олимпиада масалалари” номли ўқув қўлланмам нашр қилинди ва вилоят миқёсида оммалаштирилди. Бунга жавобан ўқувчиларим Отабек Саидов Урганч давлат университети томонидан ўтказилган вилоят мактаблараро сиртқи фан олимпиадасида 100 фоизлик натижа билан 1-ўринни, Жавоҳир Тоҳиров ва Шаҳзод Раззоқов “Инновацион олимпиада”нинг вилоят босқичида 2-, 3-ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишди.

2018-2019 ўқув йилида эса “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2019” кўрик-танловининг республика босқичида 1-ўрин соҳиби бўлиш билан бирга, тумандаги энг рейтинги баланд ўқитувчи сифатида эътироф этилдим. Айни пайтда “Таянч мактаб”лар учун тренер ўқитувчи ва таълим сифатини халқаро баҳолаш дастури — PISA бўйича туманда тренер ўқитувчи сифатида фаолият олиб бораяпман. Ўқувчиларимнинг ютуқлари ҳам ҳавас қилгулик даражада эканидан кўнглим ифтихорга тўлади.

Юртбошимиз байрам табригида ёшларнинг билим олишлари учун барча шароитларни яратиш, ўқув биноларини қуриш, уларни замонавий жиҳозлаш мумкинлигини, лекин фарзандларимизга юксак мезонлар асосида таълим-тарбия берадиган, янгича, инновацион фикрлайдиган муаллим ва ўқитувчиларни тайёрлаш — энг оғир ва шарафли вазифа бўлиб, жуда катта меҳнат ва масъулиятни талаб этишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Президентимиз **“Бугунги кун ўқитувчиси универсал мутахассис, ҳам ўргатувчи, ҳам ўрганувчи бўлиши, яъни ўз устида тинимсиз ишлаши, доимо изланиб яшаши керак”**, деганида жамоамиздаги айнан шундай “ҳам ўрганувчи, ҳам ўргатувчи” ўқитувчилар ҳақида сўз юритгандай бўлдилар. Чунки таълим масканимизда бундай ўқитувчилар кўпчиликни ташкил этади.



**Неъматжон КАМОЛОВ,**
**Боғот туманидаги 92-сон ИМИ ўқитувчиси**

2019 йилнинг январь ойида Хоразм вилояти ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган тест натижаларига кўра бизнинг 92-сон ИМИ ўқувчилари билим сифати бўйича 1-ўринни эгаллаганлигининг ўзиёқ ҳар бир муаллим ўз касбини севиши ва ўз ишига масъулият билан қарашидан дарак беради. “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2019” республика кўрик-танловида мактабимизнинг тарих фани ўқитувчиси Бахтигул Ғаффорованинг фахрли 2-ўрин соҳиби бўлганлиги, мактаб директори Санобар Худойназарова, ўқитувчилардан Рустам Адамбаев, Раиса Артиқова, Бахтигул Ғаффорова “Халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланганлиги ҳам ташкил этилганига эндигина 4 йил бўлган таълим масканимизда ўқув-тарбиявий ишлар тўғри йўлга қўйилганини, ўз касбининг фидойилари кўпчилик эканини яққол кўрсатади.

Ана шундай фидойи устозлар билан бир сафда туриб меҳнат қилаётганимдан фахрланаман. Озгина кечикиб бўлса-да, уларни ва улар каби илм жонкуярларини, келажак эгалари тарбиячиларини 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан қутлаб, ҳамиша халқ хизматида, эл эъзозида бўлинг, дейман.

*“Биз халқимизнинг энг катта бойлигини — миллионлаб фарзандларимиз, жондан азиз ўғил-қизларимизнинг тақдирини, Ўзбекистон истиқболини сизларга ишониб топширганмиз. Ва бу вазифани масъулият билан адо этиб келаётган сизлар каби фидойи инсонлар, келажак бунёдкорларига ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди”.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригидан

# Мукофот муборак!

Шу кунларда юртимизда ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб келаётган устозлар ҳар томонлама шарафланмоқда. Байрам арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.



Юртимизда таълим соҳасини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, ўқув-тарбия жараёнига илғор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш, илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш, чуқур билим ва касб-ҳунарга эга, мустақил фикрлайдиган, иқтидорли, соғлом авлодни вояга етказиш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги улкан хизматлари учун давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган муҳтарам устозлар қаторида Наманган муҳандислик-технология институти табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси кафедраси профессори Ҳамид Аҳмадхўжаев ҳам “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

Бу йил қутлуғ 70 ёшни қарши олган устозни Ўзбекистон “Адолат СДП Наманган вилоят кенгаши раҳбарияти ва фаоллар ҳам қизғин қутладилар. Ҳ.Аҳмадхўжаев 2005-2013 йилларда “Адолат” СДП вилоят кенгаши раиси сифатида фаолият олиб борган. Бу даврда партия ташкилотлари сон ва сифат жиҳатидан ўсган, ташкилий соҳада ҳам янада мустаҳкамланган.

Техника фанлари доктори Ҳамид Аҳмадхўжаев изланувчан олим ва тажрибали педагог сифатида мамлакатимизда илм-фанни ва олий таълимни ривожлантиришга ҳисса қўшиб келмоқда. Устознинг минглаб шогирдлари бугунги кунда юртимизнинг турли ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Партиямиз фахрийси, ватанпарвар олим Ҳамид акани юксак мукофот билан яна бир бор қутлаб, устозга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва илмий-педагогик фаолиятида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби**

# 55 ёшимда олий маълумотли бўламан

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини катта қизиқиш ва ҳаяжон билан тинглар эканман, **“Энг муҳими, ўқитувчи чинакам ватанпарвар инсон бўлиши зарур. Қалбида ўз касбига, Ватанига меҳр ва садоқат кучли бўлган ўқитувчигина ҳақиқий ватанпарвар шахсни тарбиялай олади. Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз “Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллим бўлиши керак”, деган ғояни амалга оширишга қаратилмоқда”**, деган сўзлари мени тўлқинлантириб юборди. Бу даъват биз, ўқитувчиларнинг ўз касбимизга бўлган масъулиятимизни янада оширди.



Болалик пайтларимда ука-сингилларимни, кўчамиздаги қўни-қўшниларнинг болаларини тўплаб, дарс ўтардим. Ўзимни мактабдаги муаллимим сингари тутишга ҳаракат қилардим, устозимдан эшитганларимни уларга айтиб берардим. Кичкинтойларнинг менга тикилиб ўтиришлари, ҳар бир гапимни жондили билан тинглашлари мени янада завқлантирарди. Орадан йиллар ўтиб, бу қизиқишим орзуга айланди.

Устозларимга ҳавас қилиб, ўқитувчи бўлиш мақсадида Тошкент педагогика коллежида таълим олдим ва чорак асрдан ошиқ Сергели туманидаги 317-ўрта таълим мактабида болажонларга сабоқ бердим. Иш жараёнида кўпроқ ўқиш ва изланишга, ўқувчиларга қўшимча маълумотлар беришга ҳаракат қилдим.

Ҳар куни ўз-ўзимга: “Бугун ўқувчиларимга қай даражада билим бера олдим? Уларнинг вақти самарали ўтдими? Мен берган билим уларнинг ҳаётида асқотадими?” каби саволларни бераман. Юзлаб шогирдларимнинг турли жабҳаларда меҳнат қилиб, эл-юрт хизматига камарбаста бўлаётганини, ҳатто баъзиларининг ўзим билан ёнма-ён меҳнат қилаётганини, ўз касбининг фидойиси эканлиги туфайли ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлаётганлигини кўриб, саволимга ижобий жавоб топгандай бўламан, меҳнатимдан қониқиш ҳосил қиламан.

Ҳар бир касбнинг ўзига яраша меҳнати ва улуғлиги бор. Аммо ўқитувчилик шундай шарафли касбки, кўчада, турли тадбирларда ҳам, корхоналару ташкилотларга борсангиз ҳам шогирдларингизни учратасиз. Улар сизни қўлини кўксига қўйиб кутиб олади, ҳурмат, иззат-икром кўрсатишади. “Яхшимисиз, устоз?”, “Мени танидингизми, устоз?”, “Сизнинг шогирдингизман, устоз”, “Сизлардан олган билим ва тарбиям туфайли шу даражага етдим, раҳмат устоз!”, дейишади. Орадан ўн-йигирма йил ўтган бўлса ҳам сизни устоз, дея алқашади. Аслида шу эмасми ўқитувчининг меҳнати туфайли топган қадр-қиммати! Шундай пайтларда қувончдан юрагим тўлиб кетади, касбимдан фахр туйғуси янада юксалади.

Бугунги кунда Президентимиз ва ҳукуматимизнинг эътибори туфайли она юртимизда ўқитувчи меҳнати янада қадр топди. Таълим муассасаларидаги шарт-шароитлар яхшиланиб бормоқда.

Чорак асрдан зиёд шу касбнинг нонини есам ҳам, устозлик мақомига эга бўлган бўлсам ҳам барибир кўнглимнинг бир четида кемтиклик бор эди... 2017-2018 ўқув йилида сиртқи таълим ҳақидаги хушхабар дилимдаги армонларни умидга айлантирди, биринчилардан бўлиб Тошкент давлат педагогика университетига ҳужжат топширдим. Шуни қувонч билан айта оламанки, 51 ёшимда университет талабаси бўлдим! Мен бу имкониятга, таъбир жоиз бўлса, бахтга — Юртбошимизнинг ўқитувчиларга қаратган эътибори туфайли эришдим!

Баъзилар “Ҳадемай, кексалик нафақасига чиқасиз-ку, ўқиб нима қиласиз?” дейишади. Уларга шундай жавоб бераман: “Президентим менга олий таълим даргоҳида ўқиш, ҳам нафақа пулимни, ҳам ойлик маошимни олиш ҳуқуқини кафолатлади. Шу азиз юртимга яна хизмат қилиш имконига эга бўлдим. Қадримни осмон қадар кўтарди! Куни кеча ўқиб эшиттирилган байрам табригида **“Биз халқимизнинг энг катта бойлигини — миллионлаб фарзандларимиз, жондан азиз ўғил-қизларимизнинг тақдирини, Ўзбекистон истиқболини сизларга ишониб топширганмиз”,** дея ўқитувчиларга катта ишонч билдирди, муаллимларнинг камтарин меҳнатига юксак баҳо берди. Бунга жавобан билимларимни янада мустаҳкамлаб, 2019-2020 ўқув йили ниҳоясида, яъни 55 ёшимда олий маълумот ҳақидаги дипломимни олиб, узоқ йиллар ёш авлодни она Ватаннинг муносиб фарзандлари қилиб тарбиялашга камарбаста бўламан!

**Мукаррама ХУДОЁРОВА,**
**Сергели туманидаги 317-умумтаълим мактаби ўқитувчиси**

# Касбга фидойилик керак

Юртимиз етакчисининг самимий табриги билан танишиш асносида беихтиёр муаллимнинг обрўси ҳақида ўйланиб қолдим. Бу бежиз эмас, албатта. Мен 24 йил муқаддам Андижон вилоятининг “Андижоннома” газетасидаги мақоламда “пайти келиб ўқитувчининг иш ҳақи жуда юқори бўлар ва имтиёзлар кучайиб кетар, ана шунда ишни ташлаб кетган муаллимлар, албатта, қайтади, бу касбга ҳавас қилгувчилар ҳам кўпайиб қоларди”, деб ёзгандим.



**Раҳимжон ЖАЛИЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ таълими аълочиси**

Мана, бугун ана шу орзу ушалди. Ҳатто кутилмаган, хаёлга келмаган имтиёзлар, шарт-шароитлар яратилди. Жумладан, ўқитувчи пахта теришдан, кўча супуришдан, газ, электр, сувга пул йиғишдан, ўз фаолиятига алоқаси бўлмаган тадбир ва мажлисларда қарсак чалиб ўтиришдан, ишига халақит берувчи турли текширувчилардан, ортиқча қоғозбозликдан мутлақо халос бўлди, иш ҳақи ошди. Бундан ташқари фаолияти натижасига қараб устама ҳақи сақлаб қолинди. Фан олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга киритган ўқувчини тайёрлаган ўқитувчига энг кам иш ҳақининг беш баробаридан эллик баробаригача пул мукофати бериладиган бўлди. Кредит асосида автомобиль, арзон уй-жой сотиб олиш учун ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имконияти берилди. Ўқитувчи ва мураббийлар учун хиёбонлар қуриладиган бўлди.

Касб байрамимиз боис шаънимизга яна кўплаб илиқ сўзлар, фикрлар айтилди. Мен ҳам шу ўринда ҳар доим ана шундай юксак эътибор, эъзозга лойиқ бўлайлик дея ҳамкасбларимга айрим фикрларимни айтгим келди.

Албатта, чуқур билимга, салоҳиятга, маҳоратга эга, болалардан ширин каломини аямай, қалб қўрини бериб ишлаётган ўқитувчиларимиз кўп. Лекин шу билан бирга орамизда эринчоқ, шунчаки кун ўтса бўлди қабилида ишлаётган, ўз фанини яхши билмайдиган, адашиб мактабга келиб қолган ўқитувчиларимиз ҳам топилади.

Мисол учун, мактабда ҳар бир фандан тўрт нафар педагог фаолият юритади, деб фараз қилайлик. Ана шу ўқитувчилардан бири нисбатан тажрибали ва кучли. Қачон фан ойлиги, семинар, умуман айтганда, очиқ дарс ўтиш керак бўлса, ана шу кучлиси ўтиб беради. Қолган уч нафари эса фан хонасини безашга, дарс жиҳозига маблағ тўплашга ёрдамлашади.

Баъзи ўқитувчилар билими йўқлиги сабабли пенсияга чиққунча ҳам очиқ дарс ўтмаслик ҳаракатида бўлади.

Таклифим шуки, ҳар бир ўқитувчи бир йилда бир марта очиқ дарс ўтиб бериши шарт бўлсин. Бундан ташқари, мактаб директори, илмий ишлар бўйича мудир ҳеч қурса икки марта ана шу каби ўқитувчилар дарсига кириб, таҳлил қилиб, ҳақиқий баҳосини берсин. Агар намунавий дарс ўтган бўлса, нур устига нур. Акс ҳолда бундай ўқитувчилардан — гарчанд муаллим етишмаётган бўлса ҳам — воз кечган маъқул. Чунки шифокор битта бемор умрига зомин бўладиган бўлса, ўқитувчи халқ умрига зомин бўлади. Шу сабабдан ҳам бизни халқ таълими ходимлари дейишади.

Азиз устозлар! Сўз бошида айтилганидек, байрамда табриклар, мақтовлар эшитаётганимизда “Мен шунга лойиқманми?” деб ўзимизга ўзимиз савол берайлик. Ва албатта, лойиқ бўлайлик. Фидойи бўлиб ишлаб, ҳақиқий келажагимиз ворисларини тарбиялайлик.

# ДАСТУРДА ҳаёт акс этсин!

Партиямизнинг жойларда баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган янги дастурлари лойиҳаси барчани фикрлашга, ҳар бир соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этишда ўз сўзини айтишга ундамоқда. Дастур моҳиятидан келиб чиққан ҳолда таълим сифатини янада ошириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш масаласига янада жиддий эътибор қаратилишини хоҳлар эдим. Айниқса, умумтаълим мактабларида фаолият олиб борадиган ҳар бир ўқитувчи, аввало, ўз устида ишлаши шарт.



**Ҳамрогул АШУРОВА,**
**халқ депутатлари Шофиркон тумани Кенгаши депутати**

## Репетиторга эҳтиёж йўқоладими?

Бугунги ўқувчи олий таълим муассасасига кириш мақсадида, албатта, қўшимча пуллик тайёрлов курсларида, репетиторларнинг қўлида ўқияпти. Ваҳоланки, бунга кимнингдир имконияти бор, кимникидир эса йўқ. Лекин барча ёшлар таълим олиш истагида.

Мактаб ва ўқитувчилар фаолиятига баҳо берганда уларнинг ўқувчилари эришган натижаларга қараб хулоса қилиш керак.

**Афсуски, баъзан чуқур билимга эга ўқитувчилар ҳам репетиторлик фаолиятидан кўпроқ фойда олиш ниятида мактабда талаб даражасида дарс ўтмайдиган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Демак, гап фақат билим ва малакадагина эмас, масъулиятни ҳис қилишда экан.**

Шу билан бирга, ҳар бир ўқитувчининг сифатли таълим бериш масъулиятини ошириш мақсадида улар ўқитаётган ўқувчилар билимини назорат қилиш тартиби йўлга қўйилса, фойдадан холи бўлмайди.

Яна бир масала бор. **Мактабларда умумий фикрлардан иборат бўлган айрим дарсларни ихчамлаштириш борасида амалий ишлар қилинаётганлиги, буни давом эттириш айни муддаодир. Табиийки, репетиторлар ОТМга кириш имтиҳонлари учун белгиланган фанлардан аниқ саволлар асосида ўқувчиларни тайёрлашади. Ана шу амалиётнинг ўзи умумтаълим мактабларида қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.**

Умумтаълим мактаблари, лицейларда ўқув йили режаларини таҳлилий ўрганиш ва натижалардан келиб чиқиб, амалий чора-тадбирлар кўриш партия депутатлари, фаолларининг вазифаси бўлмоғи лозим. Шу ўринда айнан олий таълим муассасаларида ҳам ўқув йили дарс режаларини ўрганиш лозимлиги ҳақидаги таклифларга қўшиламиз. ОТМларда мактаблар учун педагоглар тайёрланишини назарда тутсак, бундай ўрганиш нақадар муҳимлигини англаймиз.

Шунингдек, бизга мактабда фанлар кесимида инновацион янгилик яратган ҳолда услубий қўлланмалар чиқаришда ҳамда бўлажак талабани тайёрлай олиш қобилиятига эга кадрлар кераклигини назардан четда қолдириб бўлмайди. Шу каби талабларга риоя этилса, ёшларимиз орасида билимли ва салоҳиятли ўқувчи ва талабалар кўпаяди. Бугунги замон талаби ҳам шуни тақозо қилмоқда. Зеро, ана шундагина репетиторга эҳтиёж йўқолади. Ота-оналар ва ўқувчилар ортиқча сарф-харажатдан қутулишади.

## Таклиф асослантирилиши лозим

"Адолат" газетасининг кейинги бир неча сонларида "Дастурда ҳаёт акс этсин!" умумий сарлавҳаси остида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг янги дастурлари лойиҳасига партия фаоллари, мутахассисларнинг кўплаб таклифлари мухлислар эътиборига ҳавола қилиб келинмоқда. Мазкур таклифларда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳаларни замон талабларидан келиб чиқиб ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган ҳаётий муаммолар таҳлил қилиниб, уларни ҳал этиш механизмлари хусусида сўз юритилмоқда. Бу каби таклифларни қўллаб-қувватлаймиз, албатта. Дастурда илгари сурилган вазифаларнинг ҳар бири молиявий асосга эга бўлиши ҳам ушбу вазифалар ижросини таъминлаб, партияга нисбатан юртдошларимизнинг ишончини мустаҳкамлайди.



**Шоҳруҳбек НИЯЗБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Яккасарой туман бўлими бошлиғи ўринбосари, партия фаоли**

Зеро, партия ўз олдига аниқ мақсадлар қўйиши ва ҳар бир вазифани амалга ошириш механизмлари ҳам кўрсатилиши билан кенг жамоатчилик ва ҳар бир фуқаронинг, сайловчиларнинг диққатини жалб этиши лозим. Негаки, бугун сайловчиларни қуруқ гап билан алдаб бўлмайди. Бугунги сайловчига амалий иш, аниқ натижа ва ишончни оқлаш муҳим.

Партия янги Сайловолди дастурида жамиятнинг оғриқли масалаларини кўтариб чиқса, фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватловчи, адолатни ҳимоя қилувчи мақсадларни жамласа, айни муддао бўлади.

Шу маънода "Адолат" газетасининг ўтган сонларида *ногиронлик аравачасини импорт қилиш ҳаётий заруратга айланганлиги, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга коммунал тўловларнинг барча турлари бўйича имтиёзлар бериш лозимлиги юзасидан ўртага ташланган таклифларни қўллаб-қувватлайман.*

Барчамизга маълум ҳақиқат: **имконияти чекланган фуқароларнинг коммунал тўловларни жамиятнинг барча қатлами билан бир хил тўлашга моддий имконияти етишмайди. Тўғри, истеъмол ҳуқуқи барча учун баробар, бироқ барчанинг саломатлик ҳолати бир хил эмас.** *Агар партия ўз дастурида ушбу таклифни илгари суриб, уни ҳаётга жорий қилса, бу аҳоли манфаатларини рўёбга чиқаришда яна бир адолатли қарор бўлган бўлар эди.*

**Ногиронлик аравачаси истеъмол бозорида талабга яраша миқдорда мавжуд бўлишини таъминлаш, мазкур ускунани импорт қилиш зарур. Имконияти чекланган фуқароларга балки яқин кишилари, ҳомийлар ногиронлик аравачаси олиб беришни истаб қолар, шундай пайтда улар ушбу ускунани бозордан танлаб, харид қила олиш имконига эга бўлиши керак.** Қолаверса, соғлом рақобат бор жойда маҳсулот сифати таъминланади.

Шунингдек, *олий таълим муассасаларига ўқишга киришда квоталарни бекор қилишга доир таклиф ҳам ўринли масала саналади.*

**Жамиятнинг билимдон, зиёли қатлами қанча кўп бўлса, мамлакатнинг ривожланиши шунча илгари одимлайди. Бироқ тўрт-беш йилдан кейин етишиб чиққан кадрларни ишга қамраб олиш жараёни қандай кечади?** Масаланинг бу томонини ҳал этишда партия қай тартибда иштирок этади? Таклиф мукаммал ишлаб чиқилиши учун шу муҳим жиҳатни ҳам инобатга олиш лозим, деб ўйлайман.

Партиямиз нашри ва расмий сайтида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг янги дастурлари учун эълон қилинаётган таклифлар билан танишар эканман, партия депутатлари томонидан ташаббуслар асосида қилинадиган ишлар ҳали кўплигини англадим. Дейлик, мазкур чиқишларда фуқароларнинг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрига белгиланган қонуний тартиб бўйича прописка қилиниши юзасидан ҳам таклифлар билдирилди.



**Сардорбек ҲАМРОЕВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилоят кенгаши ташкилий ишлар бўйича мутахассиси**

## Эътибордан четда қолган масала

Масалан, амалдаги тартибларга мувофиқ, **мутасадди ташкилотнинг илтимосномаси асосида прописка қилинган фуқаролар учун ҳам Тошкент шаҳрида турар жой олиш, пропискаси кейинчалик ўз кучида қолиши борасида жиддий муаммолар мавжудлиги кишини ўйлантиради. Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурида бу борада аниқ вазифалар белгиланиши мақсадга мувофиқдир.**

Бундай муаммоли масалалар партия депутатлари янада синчков, профессионал маҳорат билан иш олиб бориши, қонунчилигимиздаги бўшлиқлар, бир-бирига номутаносиб ҳолатларни бартараф этишда ташаббускор бўлиши лозимлигини кўрсатади.

Шуманай туман партия кенгаши раиси Муратбек Бекжановнинг "Эътибордан четда қолган масала" **("Адолат" газетаси, 2019 йил 13 сентябрь, 37-сон)** сарлавҳали мақоласини ўқиб, унда тилга олинган муаммо чиндан ҳам эътибордан четда қолаётганига амин бўлдик.

Мақолада қайд этилганидек, кўпинча ҳайвонлардан юққан касаллик белгилари сезилганидан кейингина одамлар ҳаракатга тушиб қолишади. Афсуски, бунда кечикиш ҳолатлари рўй беради. Муаллиф олис яйловларда чорвачилик билан шуғулланаётган, мамлакатимиз иқтисодиёти, озиқ-овқат таъминотига ўз улушини қўшаётган чорвадорлар турли ёввойи ҳайвонлардан чорва молларини асрашида амалий ёрдам кўрсатиш, бу борада тегишли назорат чораларини кучайтириш муҳим ўрин тутишини тўғри таъкидлаган.

Бу каби масалаларга партиямиз эътибор қаратиши, жойларда муаммолар кўпайишига йўл қўймаслик керак, албатта. Шу боис уй ҳайвонларини асраш ва парваришлашга доир қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, **бу борада маъмурий жавобгарликка оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, табиатимизда ёввойи ҳайвон турларининг кўпайиши ёки камайиши, табиий ёки бошқа сабабларга кўра янги турлар пайдо бўлиши жараёнида назоратни кучайтириш** турли нохуш ҳолатларнинг олди олинишига хизмат қилади.

Ўйлаймизки, юқорида келтириб ўтилган ва эътибордан четда қолаётган ушбу масалалар партиямизнинг янги дастурларидан ўрин олади. Партия ўз дастурий вазифаларини амалга оширишда бир қатор аниқ натижаларга эришиб келаётганлигини назарда тутсак, янги дастурларимиз сайловчиларни бефарқ қолдирмаслигига ишонамиз.

## "Партия патронажи"

### КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛАР ХОНАДОНИДА

"Партия патронажи" лойиҳаси ҳудудлар бўйлаб давом этмоқда. Партия фаоллари хонадонларда, фуқароларнинг иш жойларида улар билан суҳбатлашар экан, лойиҳанинг ҳаётий аҳамияти ортаётгани яққол кўзга ташланмоқда.



Тошкент туман партия кенгашига келиб тушган таклифга биноан партия фаоллари "Олтинтепа" маҳалласида фуқаролар билан учрашди.

— Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар орасидан "Адолат"ни танлаб, унга аъзо бўлдим. Албатта, бежиз бу қарорга келганим йўқ. Чунки партиянинг аҳоли саломатлиги, жамиятимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, оилаларда, маҳаллаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш ғояларини қўллаб-қувватлайман, — дейди янги сафдошимиз Гулнора Ҳайитова.

"Олтинтепа" маҳалласида "Адолат" партиясининг 27 нафар аъзоси истиқомат қилмоқда. Шу куни яна 8 нафар фуқаро партия сафига қабул қилинди.

* * *

Бекобод туман партия кенгашига келиб тушган чақирув юзасидан "Ўриксзор" маҳалласида истиқомат қилувчи 2-гуруҳ ногирони Шарофат Пардабоева ҳам аъзоликка қабул қилинди. Учрашув давомида касаначилик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган Ш.Пардабоевага юртимизда сўнгги вақтларда қабул қилинаётган қонунлар, айниқса, тадбиркорлар учун белгиланган имтиёзлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди. Янги сафдошимизга халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши депутати Ибодат Ўтамбоева партия билетини топширди.

* * *

СИРДАРЁ. Лойиҳа билан интернет нашрларида танишиб, қизиқиш билдирган бир гуруҳ ижодкор ҳамда ўқитувчилар вилоятдаги фаолларимиз томонидан сафимизга қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби директори, таниқли шоир Муҳаммад Исмоилга ҳам мазкур лойиҳа асосида партиямизга аъзолик билети топширилди. Шунингдек, М.Исмоил билан ижод мактаби ва вилоят партия кенгаши ўртасида келгусидаги ҳамкорлик режаси тузиб олинди.

* * *

Ўзбекистон "Адолат" СДП Асака туман кенгашига "Асака" деҳқон бозоридан қўнғироқ бўлди. "Сайловлар йилида партия сафига кириш истагидамиз", дея мурожаат қилишди бозор ходимлари.

"Партия патронажи" лойиҳаси доирасида сафдошларимиз бозор маъмуриятига боришди. Учрашувда амалдаги қонунчилик, сайловлар ва сиёсий жараёнларда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг иштироки хусусида сўз юритилди. Бозор жамоаси вакилларининг "Адолат"чиларга бўлган ишончи янада ошди ва улардан бир гуруҳи партия сафига қўшилди.

* * *

Когон туманидаги "Жомард" қишлоғида истиқомат қилувчи 91 ёшли Муҳиба ая Каримовадан чақирув келиб тушди. Партия ходимлари Муҳиба аянинг хонадонида партияга аъзолик билетини топширар экан, онахоннинг қалбидаги ҳаяжон ва юзидаги табассумни кўриб, кўнгиллар тўлқинланди.

Ушбу маҳаллада яшовчи 57 ёшли Гулнора опа Ғайбуллаеванинг хонадонида бўлган суҳбат чоғида янги сафдошимиз ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

— Сайловларда ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши керак, — дейди Гулнора опа. — Тарғибот-ташвиқот ишларини кузатиб борамиз, айниқса, ҳудудимизда муаммоларнинг биринкетин ечим топаётганлиги бизни қувонтиради. Албатта, бунда депутатларнинг ўрни жуда катта. Биз маҳалла онахонлари шундай лойиҳани эшитиб, дарров чақирдик. Мана, энди биз ҳам партия аъзосимиз.

* * *

Чақирувга кўра партия фаоллари Янгиер шаҳри "Обод юрт" маҳалласида яшовчи Кушбактовлар оиласи билан учрашди. Мазкур оила тош ўймакорлиги билан тадбиркорлик қилувчи ҳунармандлар хонадони бўлиб, уларнинг 5 нафари партия аъзолигига қабул қилинди.

— "Адолат" партияси аҳолининг мурожаатлари асосида хонадонма-хонадон юриб, фуқароларни партия аъзолигига қабул қилаётганлиги ҳақида эшитиб қолдим, — дейди оила бекzаси Насибахон Дўстматова. — Бу ҳақда оиламиз аъзоларини ҳам хабардор қилдим. Шундан сўнг биз Янгиер шаҳар партия кенгашига мурожаат қилдик.

Яна бир қувонарли жиҳати, оилавий ҳунармандчилик ишларига бош бўлаётган Насибахон Дўстматова партиямиз томонидан кўрсатиладиган депутатликка номзодлар захирасига ҳам киритилди.

Кўп ўтмай Тошкент кимё-технология институти Янгиер шаҳар филиали ўқитувчи ва талабалари ҳам "Партия патронажи"ни чақиришди. 23 нафар янги сафдошимизга партияга аъзолик билети топширилди.

Шунингдек, мазкур институт филиалидаги партиядошларимиз янги ташкил этилган БПТга бирлашишди.

**Дурдона АЛИМОВА,**
**лойиҳа координатори**

"ADOLAT" ШАРҲИ

Шу кунларда мамлакатимизда содир бўлаётган, халқимиз тақдирига бевосита дахлдор воқеаларни ҳар бир киши адолат мезони орқали баҳолашга ҳаракат қилмоқда.

Мамлакат хавфсизлигига раҳна соладиган қонунларга беписандликдан фарқли ўлароқ тараққиёт, демократия ва фаровон турмуш асосларини қонунларга ҳурмат муҳити кафолатлаб беради. Қонунларга ҳурмат эса ҳуқуқий ахборотни самарали тарқатиш ва ундан омилкорлик билан фойдаланишни тақозо қилади.

# АДОЛАТ қонунларга ҳурмат демак



Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишда тарихий ва маънавий-ахлоқий анъаналар муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, хушхулқлилик, адолат, ҳақиқат ҳамда комилликдан сабоқ бера оладиган тарихий ижтимоий муҳитни янгидан идрок қилаётган бугунги воқелик мозийга мурожаат қилишни тақозо этади.

Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш – бугун ёки кеча пайдо бўлган эмас. У бир неча минг йил илгари инсоният тарихида илк бор давлатчилик асослари пайдо бўлиб, ҳудудийлик тамойилига кўра бўлиниб яшаш турмуш тарзи аҳоли томонидан қабул қилиниб, оммавий тартиб тушунчаси пайдо бўлгандан буён мавжуд. Лекин янги тартиботни ўрнатувчи ҳуқуқий қоидаларни жорий қилиш турли тарихий даврларда ва муайян давлатларда турлича ҳал қилинган.

Инсоният тарихида ҳуқуқий ахборотни тарқатиш унга ишончсизлик каби номаъқул ёндашувдан аста-секин узоқлашиб, тартибсизлик, ҳақ-ҳуқуқсизлик, ҳимоясизликдан воз кечилиб, янги ҳуқуқий ахборотдан самарали фойдаланишгача бўлган узоқ эволюция босқичларидан ўтган.

Тарихий ривожланиш босқичларида у кўпроқ савдо-сотиқ ва халқаро ҳамкорликнинг чуқурлашуви негизида такомиллашиб борган.

Ҳуқуқий ахборотни тарқатишнинг тарихий негизлари, биринчи навбатда, Рим ҳуқуқига бориб тақалади.

Кўҳна Туркистон заминида ҳам қадимдан эл осойишталигини таъминлаш, фуқарога ҳар томонлама ёрдам бериш, уларга жабр қилганга нисбатан чора қўллаш ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда адолатли бўлишга алоҳида эътибор қилинган.

Амир Темурнинг Моварounнаҳрда марказлашган давлат барпо этиш, халқаро алоқалар, йўллар ва шаҳарлар қуришга кўп эътибор берганига бағишланган асарлар талайгина. Соҳибқирон «Темур тузуклари»да «карвонсаройларни доимий озода ва ёруғ сақласинлар, йўл устига кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар, халқ орасидаги солиқ ишлари ва унинг миқдори тартибга олиниб, тузуклар асосида амалга оширилишини таъминласинлар» – деб кўрсатма берган.

Туркистонда Россия босқинидан кейин ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишда маҳаллий аҳоли ҳуқуқлари бирмунча чекланган эди.

Қолоқлик ва жаҳолат, ўлка аҳолисининг аянчли аҳволи, Туркистоннинг Европа ва жаҳон тамаддунидан орқада қолиб кетиши, исломнинг оёқости қилиниши шароитида оғир фожиали ҳаётдан қутулиш, эрк ва озодликка эришиш ҳақидаги ғоялар биринчи ўринга чиқиб борган.

Инсон ҳуқуқлари, давлат ва шахснинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш совет даврида эса турли кўринишдаги мафкуравий босим остида бўлиб, энг «ёпиқ» мавзулардан бири ҳисобланган.

Бу даврда, ҳаттоки айрим «натижалар»ни шубҳа остига олиш, илғор хорижий тажрибага мурожаат қилиш хавфли таҳдид деб талқин қилиниб, «тузумни қоралаш», «давлат асосларига тажовуз қилиш», «маънавий тамойиллардан чекиниш» – деб эътироф қилинган.

Мустабид тузум 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида халқ устидан зўравонлик қилиш ҳисобига сақланиб турди. Шу даврда ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш давлат бошқарувининг маъмурий буйруқбозлик тизимида ўзининг барча салбий кўринишлари билан қарор топди.

Бу даврда ҳуқуқий ҳаётда миллийлик ўрнига байналмилаллик устувор қилиб қўйилди, миллий қадриятлар, анъана, урф-одатлар ва кўп асрлик маънавий мерос оёқости қилинди. Ўз-ўзидан равшанки, бундай шароитда ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш ҳам кўпроқ шиорбозлик тавсифига эга бўлиб қолган эди.

Эндиликда ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тараққиёт мезони сифатида мустаҳкамланиб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган давлат ва кучли адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида жаҳондаги барча давлатлардаги каби ривожланиб бормоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги қонуни бўйича ҳуқуқий ахборотлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини юбориш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий эълон қилиш, ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этиш орқали тарқатилмоқда.

Шу аснода мазкур масаланинг самарали ечими давлатнинг тобора юксалиши, турмуш тарзининг яхшиланиши, иқтисодий фаровонлик даражасининг ўсиши ва халқаро муносабатларда мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Зеро, қонун ҳужжатларини ижрочилар ва аҳолига етказиш барча жабҳаларни қамраб олиб, улар таъминланган давлат ижтимоий инқироз билан боғлиқ бўлган турли номувофиқликлардан холи бўлиб, чинакам адолатли демократик давлат сифатида шаклланиб боради.

Ҳозирда баъзи давлатлар, қани, биз ҳам шундай натижаларга эришсак, деб мустақил Ўзбекистонга ҳавас билан қарамоқда. Шунинг билан биргаликда, бугунги кунда биз юртимизда адолатли демократик давлат қуришга қаратилган олис ва оғир йўлнинг фақат бир қисминигина босиб ўтдик. Замон талаби билан ечимини кутиб турган вазифаларнинг кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бормоқда.

Шу нуқтаи назардан ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш бўйича мамлакатимизда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент ҳужжатлари, Олий Мажлис қарорлари, Конституциявий суд қарорлари, Ҳукумат қарорлари, вазирликлар, идоралар ва давлат қўмиталарининг давлат рўйхатидан ўтган қарорлари эълон қилинадиган ҳафталик "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" 2000 йилдан буён мунтазам нашр этилмоқда.

Ихтисослаштирилган "Адолат" нашриёти давлат корхонаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги кодекслари сўнгги ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан чоп қилинмоқда.

Кейинги пайтларда қонун ҳужжатларининг соҳавий тўпламларини яратишга эътибор кучайди. Жумладан, адвокатурага оид, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялашга оид, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари каби соҳавий тўпламлар жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига хизмат қилмоқда.

Қонун ҳужжатларини аҳолига тарғиб қилиш, улар нашр этилаётган расмий нашрлар ҳақида хабардорликни ошириш мақсадида 100 дан ортиқ ҳуқуқий нашрлар кўргазма-ярмаркалари ва сайёр савдолар ташкил этилди.

Қонун ҳужжатлари маълумотларини Lex.uz, Norma, Yurida дастурлари орқали ижрочиларга ва аҳолига етказиш каби интернет хизматларидан фойдаланишнинг самарадорлиги мунтазам ошиб бормоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-сайтида янги қонун ҳужжатлари жойлаштирилиб борилмоқда, унда "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Тижорат сири тўғрисида" ва "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги каби қонунларнинг шарҳлари билан ҳам танишиш мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг идоравий сайтларида ҳам қонун ҳужжатлари ҳамда уларнинг илмий-амалий шарҳларини жойлаштириш амалиёти такомиллашиб бормоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларида қонун ҳужжатлари "назорат" ҳолатда бўлишини таъминловчи ягона ихтисослаштирилган тармоқлар жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қонунчилик тарғиботини кучайтириш, янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан мақолалар оммавий ахборот воситаларида мунтазам чоп этилишини мувофиқлаштириб боришмоқда.

Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш вазифаси юклатилган барча идора ва муассасаларда қонун ҳужжатларининг расмий манбаларига марказлаштирилган обуна ташкил этилмоқда.

Таъкидланганидек, доимо ўрганиш, изланиш, янгиликка интилиб яшаш керак. Фикримизча, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш мақсади, вазифалари ва принциплари, шу жумладан, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш тартиби ва муддатларини бузганлик учун жавобгарликка оид ҳуқуқий қоидалар янада аниқлаштирилиши лозим.

Қатор хорижий давлатларда қонун ҳужжатларини чоп этиш ва тарқатиш, уларнинг ижрочилар ҳамда аҳолига ўз вақтида ва тўлиқ етказилиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўғри ўзлаштирилишини таъминлашга оид муайян ҳуқуқий дастаклар ишлаб чиқилган.

Хусусан, расмий манбаларнинг тарқатиш вақти, муддатлари ва таркиби (Россия Федерацияси), қонун ҳужжатларини қайта чоп этиш тартиби (Молдова Республикаси), ҳуқуқий маълумотларнинг эталон базасини шакллантириш ва нотўғри ҳуқуқий маълумот тақдим этганлик учун жавобгарлик (Беларусь Республикаси), эталон банк маълумотларига мувофиқлилик экспертизаси ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чоп этишга рухсат бериш (Қозоғистон Республикаси) каби мажбурий ҳуқуқий қоидалар ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш устидан назорат механизми, белгиланган талабларнинг бузилиши учун жавобгарлик масалаларини ўз ичига олган.

Фикримизча, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, биринчидан, расмий тарқатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳудудий органларга ҳамда ташкилий бўлинмаларга вақтида етказилиши, қонун ҳужжатлари "назорат" ҳолатида бўлишини таъминлаш таъсирчан тизимини йўлга солиш; иккинчидан, янги қонун ҳужжатлари ҳақидаги мақолаларни оммавий ахборот воситаларига жойлаштириш; учинчидан, идоравий сайтларга қонун ҳужжатлари матнлари, эксперт, олим ва мутахассислар томонидан берилган тушунтириш ва шарҳларни жойлаштириш; тўртинчидан, янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш юзасидан теле ва радио дастурларнинг махсус сонларини тайёрлаш; бешинчидан, қонунларни мужассамлаштириш ва уларнинг тарғиботи бўйича ижобий иш тажрибасини оммалаштиришни ҳар томонлама рағбатлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб беради.

Шундай экан, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга ва аҳолига етказиш борасида мутасадди идоралар, оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчиликнинг ҳамкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, оммавий ахборот воситаларида чиқишларнинг сифатини яхшилаш, соҳавий фаолиятнинг самарадорлигини оширишга қаратилган назарий ва илмий-услубий тадқиқотларни жадаллаштириш, соҳада мавжуд ижобий ишларни оммалаштиришга эътиборни кучайтириш лозим бўлади.

Мухтасар айтганда, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш меъёрларини ўзимиз учун дастуриламал қилсак, фаолиятимизда қўллаб, унга риоя этсак, ҳуқуқий сиёсатга таъсир эта оладиган ва уни белгилаб берадиган олий мезон – адолатга амал қилсак, ҳуқуқий ахборотни самарали тарқатиш орқали қонунларга ҳурмат муҳитини яратсак, мазкур фаолиятда оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчиликнинг ҳамкорлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаб борсак янада яхшироқ натижаларга эришамиз.

**Толибжон УМАРОВ,**
**юридик фанлар доктори**



## Халқаро хабарлар



**«РИА Новости» хабарига кўра, Туркманистон президенти Гурбангули Бердимуҳамедов ички ишлар вазири, полиция генерал-лейтенанти Искандар Муликовни ўз лавозимидан бўшатди.**

Иш фаолияти давомида йўл қўйган жиддий камчиликлари, хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги, хизмат мажбуриятларини қўпол бузгани учун собиқ вазирнинг унвони полиция майоригача пасайтирилди ҳамда барча давлат мукофотларидан маҳрум бўлди.

Муликовнинг ўрнига бош вазир ўринбосари Мамметхон Чакиев вазир этиб тайинланган.

***



**«The JP COM» нашри маълум қилишича, Индонезия парламенти қуйи палатаси — халқ вакиллари кенгаши спикери лавозимини мамлакат асосчиларидан бири ва миллий қаҳрамон Сукарнонинг набираси Пуан Махарани эгаллади.**

«Орадан 74 йил ўтиб, парламентда аёл киши ишга киришади. Бу мамлакатнинг кўплаб аёлларига ўзини турли соҳаларда намоён қилишдан қўрқмаслик кераклигига ишонч уйғотади», дейди ўз сўзида 46 ёшли Пуан. Унинг онаси 72 ёшли Мегавати Сукарнопутри Индонезиянинг энг йирик партияси — Индонезия кураш демократик партияси етакчиси ҳисобланади.

Экспертларнинг таъкидлашича, яқингача инсон салоҳиятини ривожлантириш ва маданият масалалари бўйича координатор-вазир лавозимини эгаллаган Пуан 2024 йилги президент сайловларига асосий номзодлардан бирига айланади. Шунингдек, сиёсатчиларнинг фикрича, Пуан 2020 йилда онасининг ўрнини эгаллайди.

Сукарно мамлакатни 1945 йилдан 1967 йилгача бошқарган, унинг қизи Мегавати Сукарнопутри Индонезиянинг илк аёл президенти ҳисобланади ва мамлакатга 2001 йилдан 2004 йилгача етакчилик қилган.

***



**ТАСС хабарига кўра, АҚШ президенти Дональд Трамп Конгрессдаги президентга импичмент жараёни бошланишини давлат тўнтаришига уриниш деб баҳолаган.**

Маълумки, Қўшма Штатларда Трампнинг Украина президенти Владимир Зеленский билан телефон орқали суҳбати атрофидаги гаплардан сўнг Америка раҳбарига қарши импичмент жараёни бошланганди.

«Мен содир бўлаётган жараён импичмент эмас, балки ҳокимиятни тортиб олишга қаратилган уриниш, деган хулосага келдим", деб ёзади Трамп «Twitter»даги саҳифасида.

АҚШ президентининг сиёсий мухолифлари фикрига кўра, Трамп қўнғироқ пайтида Зеленскийни Киевга молиявий ва ҳарбий ёрдам эвазига Украинада АҚШнинг собиқ вице-президенти Жозеф Байденнинг ўғли фаолияти бўйича тергов бошлаш борасида босим ўтказган. Эслатиб ўтамиз, демократ Байден 2020 йил ноябрь ойида бўлиб ўтадиган президентлик сайловларида Трампнинг асосий рақиби саналади.

Демократларнинг фикрига кўра, Трамп Зеленскийга босим ўтказиб, аслида иккинчи муддатга қайта сайланиш учун Киевнинг ёрдамидан фойдаланишга ҳаракат қилган.



**«Fars» агентлиги Эрон суди мамлакат президенти Ҳасан Руҳонийнинг укаси Ҳусайн Ферейдун коррупцияда айбланиб, беш йиллик қамоқ жазосига ҳукм этганини хабар қилади.**

Ферейдун 2017 йил июлида ҳибсга олинган. Унга нисбатан эълон қилинган айбловларнинг барча тафсилотлари сир сақланмоқда. У ҳибсга олинган вақтда Эрон президентининг маслаҳатчиси лавозимида ишлаган.

***



**«Коммерсант.ru» чоп этган мақолада Россия Федерал хавфсизлик хизматининг АКТ соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бошқармасининг банк бўлими собиқ раҳбари Кирилл Черкалин Москвадаги ФХХ биноси яқинида йирик миқдорда пора олаётган маҳал қўлга тушганлиги хабар қилинади.**

Маълумотларга кўра, Черкалин «Транспортний» банкининг муассиси Александр Мазановдан пора олган. Уларнинг ўртасида воситачилик вазифасини ФХХ полковниги Михаил Горбатов ва «Европеское Подмосковe» компаниясининг таъсисчиси ва Мазановнинг маслаҳатчиси бўлган Арно Хожоян бажарган.

Таъкидланишича, Горбатов Черкалинни банки учун «панох» сифатида 2013 йилда таклиф қилган. Черкалин ҳар ойда Мазановдан унинг банкига «панох» бўлгани учун 50 минг доллардан олган. Мазанов эса дастлаб полковникка аниқ ишлар учун пул тўлашни хоҳлаган. Бироқ банкка ҳақиқатан ҳам ёрдам керак бўлганда, полковник мукофот пули талаб қилган.

Натижада банк эгаси Черкалинга 2015 йилнинг февраль ойигача жами 750 минг доллар тўлаган. Қайд этилишича, Горбатов ҳам бу суммадан ўз улушига эга бўлган. У пулларни Хожояндан олиб, Черкалинга олиб бориб берган. Кўпинча пуллар кўчада ёки ФХХ биноси яқинидаги кафеда олинган.

Полковниклар Кирилл Черкалин, Дмитрий Фролов, шунингдек, уларнинг ҳамкасби Андрей Василев жорий йилнинг апрель ойида қўлга олинган. Черкалин бир неча миллион рубл пора олганликда, Фролов ва Василев эса йирик миқдорда фирибгарлик қилганликда айбланмоқда. Тинтув вақтида уларнинг уйларида нақд кўринишда катта миқдордаги рубл, доллар ва евролар топилган. Тинтув вақтида топилган пулларнинг умумий миқдори 12 миллиард рублни (тахминан 186 миллион доллар) ташкил қилган. Хабар берилишича, тўпланган пулларни полковниклар мамлакатдан ташқарига олиб чиқиб кетишни режалаштирган бўлиши мумкин.

***Хориж хабарлари асосида тайёрланди.***

# Ер усти метрополитенининг замонавий поездлари Тошкентда




Яқинда Тошкент темир йўл вокзалида пойтахтимизда барпо этилаётган ер усти метрополитенида ҳаракатланувчи замонавий поездларнинг етказиб берилиши муносабати билан тақдимот бўлиб ўтди.

Маълумки, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва Россиянинг «Метровагонмаш» АЖ ўртасида Тошкент шаҳридаги ер усти метрополитени учун ҳаракатланувчи, ҳар бири 4 вагондан иборат 5 та метро поездини харид қилиш бўйича шартнома имзоланган эди. Шартномага кўра, Россиянинг «Трансмашхолдинг» компанияси Тошкент метроси учун 81-765.5/766.5/767.5 моделидаги 5 та поезд таркибини етказиб берди.

81-765.5/766.5/767.5 сериядаги метро вагонлари янги техник ечимларга эга бўлиб, электр энергиясини 35 фоизгача тежайди, учинчи авлоддаги синхрон тортувчи двигателнинг қўлланилиши эксплуатация харажатларини 40 фоизгача қисқартиради. Янги вагонлар яна бир қатор техник имкониятлар ва афзалликларга эга.

Вагонлар орасидаги герметик «гармошка» кўринишидаги ўтиш жойлари йўловчилар учун поезднинг бошдан охиригача ўтиш имконини беради ва бу билан ҳаракат таркибининг сиғимини оширади.

Йўловчилар салонига тўрт томондан автоматик ва икки қаватли эшиклар ўрнатилган. Эшиклар 12 фоизга кенгайтирилгани йўловчиларнинг тасодифан қисилиб қолиши олдини олади.

Салондаги кондиционер иситиш ва шамоллатишни таъминлаб туради. Шунингдек, шифтда махсус ҳимоя қутилари ичида жойлашган ва ҳавони ультрабинафша лампалар ёрдамида зарарсизлантириш тизими қўлланилган.

Ҳар бир вагон телеканаллар трансляцияси имкони билан бирга йўловчиларга замонавий маълумот узатиш тизими билан таъминланган. Состав вагонлари видеокузатув тизими билан жиҳозланган, ҳар бир вагонда шифт камералари, шунингдек, шошилинч алоқа блоклари устида ҳам камералар бор, ёнғинни автоматик пайқаш ва ўчириш тизими ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, машинист кабинасида йўллар ҳамда ҳаракатланувчи состав вагонлари эшикларини назорат қилувчи видеокузатув тизими монитори жойлашган.

**ОЧИҒИНИ АЙТГАНДА...**

Ҳуқуқий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг асосий омилларидан бири, шубҳасиз, эркин ва мустақил фикрни билдириш имкониятининг мавжудлиги саналади. Инсон борки, эркин яшаш ва фикр билдиришдек ҳуқуқидан фойдаланишни истайди. Бироқ бу истак бошқа инсоннинг ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларига, урф-одатлари ва қадриятларига дахл қилмаслиги лозим. Афсуски, кейинги вақтларда айрим ҳамюртларимиз, аниқроқ айтганда, баъзи раҳбарларимиз мана шу оддий ҳақиқатни унутгандек кўринади. Йўқса, "рўмолда ўтирганини кўрсам..." қабилидаги таҳдидлару пўписаларга гувоҳ бўлмаган бўлардик.



# Гап шаклдами ёки моҳиятда?

Сўнгги ҳафтанинг энг қизғин муҳокамаларига сабаб бўлган бу "таҳдид" ўз ортидан жамоатчиликнинг салбий ва ҳақли эътирозини етаклаб келди. Бу масала юзасидан билдирилмаган фикрлару ўринли киноя ва писандалар қолмагандек гўё. Ҳатто ушбу ҳолат юзасидан Олий Мажлис Сенатининг Регламент ва одоб комиссияси йиғилиши ўтказилгани, "ҳафта қаҳрамон"ига нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилгани, халқимиздан навбатдаги кечирим сўрагани – буларнинг барча-барчаси мамлакатимизда жамиятнинг фаол аъзолари, зиёлилар, умуман олганда, халқимизнинг ҳар бир асосли фикри беэътибор қолмаётганидан далолатдир.

Назаримда, юқоридаги узрлару эълон қилинган "ҳайфсан"лар, эҳтиросли баҳсларнинг барчасига бокс бўйича жаҳон чемпионатида юксак натижаларга эришган бир гуруҳ спортчи ва мураббийларга юксак мукофотларни топшириш маросимида Президентимиз томонидан билдирилган биргина эътироф мантиқий нуқта қўйди. Давлатимиз раҳбари томонидан "Рўмол ўраган аёл муқаддас, меҳрибон ўзбек аёлининг тимсолидир. Ўзбекистонда рўмол ўрашга ҳеч ким ҳеч қачон қарши бўлмайди" дея билдирилган хулоса ибо, ҳаё, орият, иффат сингари фазилатларни барча ўткинчи ҳою ҳавас ва нарсадан устун деб биладиган ҳар бир онахон ва опа-сингилларимизни тўлқинлантириб юборганига ишончимиз комил.

– Президентимизнинг спортчи йигитнинг онасига қарата айтган сўзларидан кўзларим қувонч ёшига тўлди, – дейди андижонлик меҳнат фахрийси Маҳфуза ая. – Миллий либосларимиз биз, ўзбекистонлик аёлларга нақадар ярашишини қайта-қайта такрорлаганида гўёки менга, қизларим, келинларимга қарата "дунёнинг энг гўзал аёлларисиз" деб айтгандек бўлди. Ҳақиқатдан ҳам, биз, ўзбек аёллари рўмолимиз билан, ибо, иффатимиз билан дунёнинг манаман деган давлатларининг хотин-қизларига намуна бўла олишимиз мумкинлигини ич-ичимдан ҳис қилдим. Ҳаяжоним кучлилигидан шу куннинг ўзидаёқ Ҳайит муносабати билан яқинда набирам совға қилган янги рўмолни ўраб олдим.

Дарҳақиқат, ўзбек аёлларининг аксариятини рўмолсиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, каттаю кичик ҳурмат кўрсатадиган, ҳар бир маслаҳати олтинга тенг кекса, нуроний онахонларимизнинг асосий либосларидан бири рўмол эканлигини барчамиз яхши биламиз. Фарзандларимиз ҳам, ўзимиз ҳам ана шу рўмолли аёлларнинг алласини эшитиб вояга етдик.

Бир ўйлаб кўринг-а, хотин-қизларимизни муқим иш билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий турмушини яхшилаш, илм-фан билан шуғулланишлари учун етарлича шароит яратиш, оилалар ўртасида ажримларни камайтириш борасида қилинадиган ишларимиз ошиб-тошиб ётган айни замонда уларнинг рўмолини муҳокама қилиш, камига рўмол ўраб йиғилишга кирган аёлларга нисбатан дўқ-пўписа қилиш қанчалик мантиққа тўғри келади?! Диний экстремистик оқимга берилиб кетаётган фитнакорларга қарши курашиш мақсадида "рўмолли"ларни тафтиш қилиш қанчалик тўғри ечим? Бундай ноўрин, асоссиз тарғиботлар билан халқимизнинг ҳукуматга нисбатан ишончини сусайтириб қўймасмиканмиз? Ахир, рўмолини ечган билан аёлларнинг ташвишини енгил қилолмаймиз. Ёки эътиқоди, дунёқарашини ўзгартира олмаймиз.

Яқинда ижтимоий тармоқда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири, "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси Русланбек Давлетовнинг "Америка овози" мухбири Навбаҳор Имамова билан қисқача суҳбатини томоша қилдим. Суҳбатнинг асосий мавзуси Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб борилаётган амалий ишларга бағишланган бўлиб, ҳамкасбимизнинг бир саволи юртимизда "соқол" қўйган ва "рўмолли"ларга нисбатан ҳукуматнинг муносабати қандайлигига қаратилди.

— Ҳар бир масалага қонуний ёндашишга одатланганим боис, бу саволга қонунда белгиланган меъёрга мувофиқ жавоб бераман, — деди адлия вазири, партиядошимиз ўз чиқишида. — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Шундай экан, ҳеч кимга бошқа бир инсонни соқол қўйгани ёки рўмол ўрагани учун таъқиб қилишига йўл қўйилмайди. Айни пайтда айрим давлат ташкилоти ва идораларида қабул қилинган меъёрлар, ички тартиб-қоидалар ходимлардан у ёки бу кўринишдаги "дресс-код"га амал қилишни назарда тутади. Масалан, тиббий лаборатория ёки суд-тиббий экспертиза муассасаларида соқолли инсонларнинг ишлаши ишнинг сифатига таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин бошқа ҳолларда ходимнинг рўмол ўраши ёки соқол ўстиришига тўсқинлик қилиши мумкин эмас.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозим, партиямиз хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда давом этиши муқаррар. Ким қандай тушунишидан, қабул қилишидан қатъи назар, хотин-қизларимизнинг миллий либоси туфайли тазйиққа учрашига муросасиз муносабат билдирамиз. Айни пайтда бу каби ҳуқуқбузарликларга нисбатан белгиланадиган маъмурий чораларни ишлаб чиқиш ва амалдагиларини янада кучайтириш партиямизнинг бош вазифаси бўлиб қолаверади.

**Саодат СОДИҚОВА,**
**"Adolat" мухбири**

**ЭЪТИРОФ**

Шундай инсонлар бўладики, улар қайси гўшада, қай манзилда яшамасин, қандай соҳада фаолият кўрсатмасин, ўзининг фидойилиги, жонкуярлиги билан эл назарига тушади, ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлади. Ҳамкасбимиз – ЎзМТРКнинг "Ўзбекистон-24" ДУК ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар муҳарририяти муҳаррири Гулчеҳра Мирзаева ана шундайлардан.

# Ҳамкасбларимиз маҳалла ифтихорига айланишди

Изланувчан журналистнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти, суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи кўрсатув ва очерклари асосида тайёрланган "Оила тинчи — ҳаёт севинчи" ижтимоий, илмий-оммабоп фильми оила маънавияти ва миллий қадриятларимизнинг таъсирчан тарғиботи тарзида давлат дастурининг ижроси сифатида республикамиздаги таълим муассасалари ва жамоат ташкилотларида маънавий-маърифий ижодий қўлланма сифатида фойдаланилмоқда. Шунингдек, ижодкор журналист ўз фаолияти давомида учратган турли тақдир эгалари, замонамиз қаҳрамонлари тўғрисидаги очерклар тўпламини кўп минг сонли ўқувчилар эътиборига ҳавола этаяпти.

Иқтидорли журналистнинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди: Гулчеҳра Мирзаева "Маҳалла ифтихори" кўкрак нишони соҳибаси бўлди. Шунингдек, "Народное слово" газетаси мухбири С.Азимбетова, "Халқ сўзи" газетаси мухбири З.Худойшукуров, "Маҳалла" газетаси бош муҳаррири Б.Абдусатторовлар ана шундай фахрли эътирофга сазовор бўлишди. Маҳалла ифтихорига айланган ҳамкасбларимизни юксак мукофот билан муборакбод этиб, ижодий парвозлар тилаймиз!




Унинг оиласи маҳалланинг энг намунали оилаларидан саналади. Гулчеҳра 3 нафар фарзанди тарбиясига, уларнинг камолотига қанчалик эътибор қаратса, ўз касбий салоҳиятидан унумли фойдаланишга, шу билан бирга, маҳалла ободлиги, оилаларнинг тинч-тотувлиги, бахт-саодатига ҳисса қўшишга ҳаракат қилади. Маҳаллада ўтказиладиган турли тадбирлар, миллий байрамларимизнинг фаол ташкилотчиси ва иштирокчиси бўлиш билан бирга, маҳалладаги ибратли ишларни, намунали оилаларни, турли касб эгалари фаолиятини кенг оммага танитишда, уларни ОАВда ёритишда жонбозлик кўрсатади.

Иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий мавзулардаги ранг-баранг кўрсатувлар муаллифи Гулчеҳра Мирзаева чорак асрлик тележурналист сифатида малакали, жамоада кўпчиликнинг ишонч ва эътирофига эга, иқтидорли, қалами ўткир ижодкорлардан бири. Салоҳиятли, изланувчан журналист телевидение соҳасида фаолият кўрсатиш билан бирга, "Халқ сўзи", "Ишонч", "Гулистон", "ТВ парк", "Бизнес" каби республика газета ва журналларида ўзининг турли жанрлардаги таҳлилий очерк ва мақолалари билан иштирок этади.

**Фурқат ТОЖИЕВ**

**ФАОЛИЯТ**

Маълумки, айни пайтда мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаларини моддий-техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик технологияларни тарғиб қилиш, болаларни мактабгача таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, болаларда китоб ўқишга бўлган қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик (шу жумладан, ўйинлар ва ўйинчоқлар) материаллар ва бадиий адабиётлардан кенг фойдаланиш, соҳани юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, ходимлар меҳнатини моддий рағбатлантириш, болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, шу жумладан, соғлом овқатланишини самарали таъминлаш каби вазифалар соҳа истиқболининг гарови сифатида белгиланган.

# Юксак эътибордан баҳраманд бўлиб



Қувасой шаҳридаги бизнинг 22-мактабгача таълим муассасамизда айни пайтда 360 нафар болажон 12 та гуруҳда, 25 нафар педагог ходимлар қўлида таълим-тарбия олишаётир. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги *"Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлашга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида"*ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган гуруҳга 30 нафар бола жалб этилган. Барча машғулотлар, хусусан, "Инглиз тили" ва "Рус тили" машғулотлари ноанъанавий услублар ёрдамида олиб борилмоқда. Болажонларда китоб ўқишга бўлган қизиқишни уйғотиш мақсадида боғчамизда "Кичик кутубхона" ташкил қилганмиз. Энг муҳими, тарбиячиларимиздан ўз устида тинимсиз ишлаш талаб этилмоқда. Натижада ибрат олса арзигулик муваффақиятларга эришяпмиз. Масалан, ёш тарбиячимиз Мафтунахон Ҳокимжонова "Йилнинг энг яхши тарбиячиси-2019" кўрик-танловининг республика босқичида "Йилнинг энг яхши методист тарбиячиси" номинацияси бўйича фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Бундан ташқари, 6 ёшли тарбияланувчимиз Меҳриддин Аҳмедов шу йил июнь ойида бўлиб ўтган шахмат мусобақасининг республика босқичида 1-ўринни қўлга киритди. Ҳозир Меҳриддин шахмат мураббийси Зарнигор Қодирова ёрдамида 2019 йил 16 ноябрь куни — халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов жаҳон чемпионлигини қўлга киритган кун муносабати билан ташкил этилаётган "Ёш шахматчилар" мусобақасига тайёргарлик кўрмоқда. Қувасойлик машҳур тадбиркор, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоси Мўйсинжон Меҳмонов эса Меҳриддин учун банкда алоҳида ҳисоб-рақам очилишини ва ҳомийлик қилишини маълум қилди.

Шу йилнинг 23 сентябрь куни мактабгача таълим муассасамизга Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Умиджон Сулаймонов партиянинг вилоят ва шаҳар кенгаши масъуллари билан бирга Меҳриддинни тақдирлаш учун ташриф буюрди. Депутатимиз яна бир тарбияланувчимиз, спортнинг таэквон-до тури бўйича Қирғизистон Республикасида бўлиб ўтган мусобақа совриндори Афруза Ибрагимовага ҳам эсдалик совғаларини топширди.

Жорий йилнинг 20 сентябрь куни шаҳримиз Қувасойнинг 65 йиллик юбилейи катта тантана қилинди. Мазкур тантана болажонларимиз учун қўшалоқ байрамга айланди. Негаки шаҳар юбилейи доирасида "Зийнат" маҳалласида яшовчи кам таъминланган оила фарзанди бўлган тарбияланувчимиз Билолбек Саидумаровнинг суннат тўйи ҳам нишонланди. Болажонларимизнинг ўшандаги қувончини кўрсангиз эди!

Бир сўз билан айтганда, бугун Президентимизнинг мактабгача таълим равнақига қаратаётган юксак эътиборидан баҳраманд бўлган ҳолда меҳнат қиляпмиз. Бу эътибор ва ғамхўрлик эса келажакда албатта ўзининг ширин мевасини бериб, тарбияланувчиларимиз ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб улғайиши шубҳасиз.

**Шоҳиста ҚУРБОНАЛИЕВА,**
**Қувасой шаҳридаги 22-мактабгача таълим муассасаси мудираси**

МУАССИС:
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибият — 71 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132); Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15
Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 1000.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Адади — 1877
Босишга топшириш вақти — 22.22
Босишга топширилди — 22.44
Баҳоси келишилган нархда

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgzt.uz adolatgz-95@mail.ru

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 4 5 6